

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

Ветеринария, зоотехния ва қоракўлчилик факултети
5620600– Зоотехния (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши

ИСМАТОВ ДУРБЕКНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “ГОЛШТИН ЗОТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҚОРАМОЛ
ГЎШТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ САМАРАДОРЛИГИ
(рефератив иш)

Илмий раҳбар: доцент

Б.Тугалов

Зоотехния, хайвонлар
генетикаси ва урчитиш кафедраси
мудири, доцент

_____ **Э.С.Шаптак**

«_____» _____ **2014 йил**

№_____ сонли йиғилиш баёни

Ветеринария, зоотехния ва
қоракўлчилик
факултетидекани, доцент

_____ **Н. О. Фармонов**

«_____» _____ **2014 йил**

САМАРҚАНД - 2014

МУНДАРИЖА

Кириш	4
I. Адабиётлар шархи	8
II. Танланган мавзу бўйича муаммоларнинг қўйилиши, қўлланиладиган услубиятлар	25
III. Асосий қисм.....	27
III.1. Мавзунинг ечими ва унинг ёритилиши.....	27
III.2. Голштинлаштиришнинг зоотехникавий ва иқтисодий самарадорлиги.....	41
IV. Экологик масалаларнинг ёритилиши, ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизлиги	47
Хулосалар	51
Ишлаб чиқаришга амалий таклиф ва тавсиялар.....	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	54
Иловалар.....	59

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз Истиқлолга эришган куниданок асосий вазифалардан бири сифатида, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни тўла қондириш масаласини қўйган. Бу вазифани ижобий ҳал этишда чорвачиликни ва унинг етакчи тармоғи ҳисобланган қорамолчилиқни барқарор ривожлантириш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, қорамол зотларини яхшилаш, уларнинг хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш ҳамда ҳайвонларнинг маҳсулдорлик бўйича генетик салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш бевосита таъсир этувчи, ирсий ва ташқи муҳит омиларини ўрганиш ва атрофлича таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Мамлакатимизда чорвачилик соҳасида олиб берилаётган ислохотлар натижасида чорва молларини кўпайтириш, улар маҳсулдорлигини ошириш учун қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Кейинги йилларда Президентимиз томонидан қабул қилинган қарорлар соҳа ривожига катта имкониятлар яратиб берди. Жумладан, “Насилчилик тўғрисида”ги Давлат қонуни, Республика Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 308- сонли ва, 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 842 - сонли қарорлари, чорвачиликнинг барча тармоқларини ривожлантириш аниқ белгиланган дастурлар асосида олиб борилишига, уларнинг бош сонини оширишга, маҳсулотлар салмоғи йилдан-йилга ўсиб, уларнинг сифатини талаб даражасида бўлишига ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Бунинг исботи сифатида, бугунги кунда республикамизнинг барча тоифадаги хўжаликларида қорамоллар 10 млн 141,3 минг бош, шундан сигирлар 3 млн 935,2 минг бош, қўй ва эчкилар 17 млн 128,8 минг бош, паррандалар 47 млн 485,8 минг бош ва отлар 202212 минг бошни ташкил қилганлигини келтириш мумкин. Чунки бу кўрсаткичлар 1990 йилдаги кўрсаткичдан 25-37 кўп ҳам демакдир. Ўз-ўзидан равшанки, ҳайвонларнинг бош сони билан бир қаторда уларнинг махсулдорлик кўрсаткичлари ҳам ошган ва уларнинг сифати яхшиланган.

Республика Президенти И.А.Каримов ўзининг 2014 йил 17 январ куни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида “2013 йилда Республикани ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устивор вазифаларига бағишланган мажлисида қилган маърузасида халқ-хўжалигининг ривожланиши тўғрисида яна бир бор батафсил тўхталиб ўтди: - “Глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганлигига қарамай, ўтган йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суратлар билан ривожланишда давом этди, аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатимиз жаҳон бозорларидаги мавқеи янада мустаҳкамланиши таъминланди. Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суратлар билан ўсаётганлиги ва келгуси йилларда янада фаол ўсиши прогноз қилинаётганлиги қайд этилди. 2013 йил якунига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми -7,7 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳажми – 7 фоизга, қурилиш ишлари 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 13,9 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми -14,2 фоизга ўсди.

Мамлакат аграр сектори деярли барча тармоқларнинг динамик ривожланиши таъминланди. Деҳқонларимиз томонидан мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – 3,46 миллион тоннадан ортиқ пахта хом ашёси, 7,5 миллион тонна дон, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан кўп сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилди ва йиғиб олинди.

Ўтган йилда мамлакат иқтисодиётига 11,7 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган инвестициялар жалб этилди”.

Ана шу қисқа ислохатлар даврида мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги ва унинг ажралмас қисми бўлган чорвачилик ҳам барқарор ривожланишга ўтди. Мамлакатда давлат, жамоа, ширкат ва корхоналар аро хўжаликлар тугатилиб уларнинг ўрнига дунё синовларидан ўтган ягона субъект – фермер хўжаликлари жорий этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда жами 70 мингга яқин фермер хўжаликлари, шундан 13 мингга яқин чорвачилик фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон республикаси ҳукумати яратган имтиёзли шароитлар асосида хорижий давлатлардан кўп сонли яхшиловчи зотларнинг тана ва ғуножинларини импорт қилишга эришилди. 2006 - 2010 йилларда амалга оширилган дастурлар натижасида республикага фермерлар томонидан 17561 бош турли яхшиловчи зотларга хос бўлган наслдор тана ва ғунажинлар олиб келинди.

Кейинги икки йилда олиб келинган молларни ҳам ҳисоблаганимизда уларнинг сони 25 минг бошдан ошди. Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра импорт қилинган моллардан олинган авлодлар сони 2006-2013 йилларда 26064 бошни ташкил этган. Аксарият фермерлар голштин, швиц, қора-ола, польша қизил зотли қорамолларини келтириб қорамолларни юқори маҳсулдор сигирлар билан яхшилашга мувофақ бўлдилар.

Мавзунинг илмий-амалий аҳамияти. Мамлакат қишлоқ хўжалигида ислохатларни изчил чуқурлаштириш мамлакатда озиқ – овқат барқарорлигини таъминлаш, аҳоли эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, саъноатни хом ашё билан узликсиз таъминлаб бориш, қишлоқда турмуш фаровонлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш, фермерлик ҳаракатини янада қўллаб- қуватлаш, унинг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларини ташкил этиш, қишлоқда шакилланаётган янги мулкый муносабатлар, ўрта синф –

мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Юртбошимиз томонидан билдирилган “Фермер боё бўлса – мамлакат обод бўлади” деган ибора аграр соҳа, унинг асосий ва етакчи кучига айланган фермер хўжаликлари мамлакат иқтисодиётини юксалтиришдаги нақадар муҳим ўринга эга эканлигидан далолат беради.

Гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида республикада урчитилаётган зотлар голштин, голланд, галавей, филигфих ва австрия швиц зотлари билан яхшиланмоқда. Бугунги кунда вилоятимиз паррандачилик соҳасида республикада биринчи ўринда бўлиб, 36 та паррандачилик корхоналари ишламоқда. Улар томонидан бир кеча кундизда 1,8 миллион дона тухум ишлаб чиқарилади. 2012 йилнинг ўзида 81 та паррандачилик фермер хўжаликлари ташкил этилди ва 36 миллион дона тухум, 773 тонна парранда гўшти етиштирилди. Охириги икки йил ичида вилоятимизда 265 гектар майдонда 96 та балиқчилик фермер хўжаликлари ташкил қилиниб, ҳозирда йилига 721 тонна балиқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2012 йилнинг ўзида 84 та балиқчилик фермер хўжалиги ташкил этилди.

Ҳақиқатдан ҳам бизда қорамолларни ва умуман чорва молларини маҳсулдорлигини яхшилаш борасида етарли ишлар қилинмоқда. Шунинг унутмаслик лозимки, ҳайвонларни маҳсулдорлигига ва уларни сифатига озиклантириш, асраш шароити билан бир қаторда, ҳар хил касалликларни олдини олишга қаратилган ветеринария тадбирлари, профилактика ишлари ҳам катта таъсир этади.

Шуларни эътиборга олган ҳолда биз ўз битирув малакавий ишимизнинг мавзусини “Голштин зотидан фойдаланишнинг қорамол гўшти ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги” ни ўрганишга қаратдик. Бунинг учун эса кўплаб илмий, услубий, статистик ва расмий ҳужжатларни ҳамда адабиёт манбалари таҳлил қилинади ва шахсий фикр-мулоҳазалар билан умумлаштирилади.

I. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Маълумки, бутун дунёда қишлоқ хўжалик тармоғи аҳолини озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишда муҳим ўрин тутди. Чунки истеъмолдаги барча маҳсулотлар айнан қишлоқ хўжалигидан олинади. Шунинг учун унитмаслик лозимки қишлоқ хўжалигининг ажралмас қисми ва асосий соҳаси бу чорвачилик ҳисобланади.

Инсон организми учун муҳим бўлган оқсил айнан чорвачилик маҳсулотларидан олинади ва ўсимликлар дунёсидан олинган оқсилдан анча устун туради, чунки чорвачилик маҳсулотларининг таркибида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар етарлича сақланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Истиқлолга эришган куниданоқ халқ хўжалигининг барча тармоқларида шу жумладан, чорвачилик соҳасида ҳам кенг қамровли иқтисодий ислохотларни ўтказди ва ҳозиргача бу жараён давом этиб келмоқда.

Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, Мамлакатда аграр соҳани ривожлантириш борасида тўғри олиб борилаётган сиёсат туфайли Мустақиллик йилларида барча турдаги ҳайвонлар бош сони йилдан – йилга кўпайиб, уларнинг маҳсулдорлиги ошиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби чорва моллари билан олиб бориладиган наслчилик ишларини, озиқлантириш ва асраш технологиясининг такомиллашганлигидир.

Лекин, шунинг қайт қилиш лозимки ишлаб чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжи даражасидан анча паст, бир вақтнинг ўзида ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалидан фойдаланиш эса 55 - 60 фоиз атрофида бўлиб келмоқда. Бу эса барча турга мансуб бўлган ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини ошириш имконияти мавжуд эканлигини кўрсатади.

Бизнинг Мамлакатимизда чорвачиликни бош тармоғи бу қорамолчилик ҳисобланади. Чунки истеъмолдаги сутнинг деярли барчаси қорамоллардан олинса, истеъмолдаги гўштнинг 70 фоизига яқини айнан қорамолчиликдан олинади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг истеъмол бозоридаги

гўшт балансида қорамол гўшти биринчи ўринда туради. Ваҳоланки қорамол гўшти бутун дунёда чўчка ва парранда гўшtidан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Шуни қад қилиш лозимки Мамлакатимизнинг турли тоифадаги хўжаликларида қорамоллар бош сонини ошиши ҳар йили ўртача 5-7 фоизни, сут ишлаб чиқаришнинг ўсиши 20 – 25 фоизни ва гўшт маҳсулотини ишлаб чиқариш эса 15 - 20 фоизга ошиб келмоқда.

Ўзбекистонда урчитиладиган режали зотларни 4-5 фоизини махсус гўшт йўналишидаги зотлар ташкил қилади ҳалос. Уларнинг ҳам соф ҳолда урчитиш аҳволи талаб даражасида эмас, шунинг учун ҳам қорамол гўшти асосан сут йўналишидаги зотлардан ва уларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган ҳар хил генотипли чатишма авлодларидан олинади.

Сут йўналишидаги қорамол зотлари орасида ўзининг салмоғи ва сизирларининг сут маҳсулдорлиги билан қора-ола зот биринчи ўринда туради. Ушбу зотни гўшт маҳсулдорлиги ва умуман хўжалик фойдали белгиларини А. Храпковский (1985), Э.Карчевский (1985), З.Туракулов (1985), П.Собиров (1990), Ю.Файзуллаев (1993), А.Кахаров (1994), Р.У.Валиев (1996), У.Н.Носиров (2001, 2007, 2009) ва бошқалар ўрганишган. Лекин, бу иш ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Қуйида қора-ола ва уни ҳар – хил генотипли чатишма авлодларини гўшт маҳсулдорлиги таҳлил қилинади.

Юртимиздаги аграр соҳанинг чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик тармоқларида ҳам бозор муносабатларини қарор топтиришга қаратилган иқтисодий ислохатлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда, соҳадаги ҳали қўлланилмаётган омилларни ишга тушириш ҳам долзарб масалаларга айланган. Жумладан, аҳоли, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида озуқабоп экинлар етиштириш ва тайёрлаш тизимини яратиш, улар қаромоғидаги чорвага озуқа етиштириб бериш каби масалалар бугунги кунда ўз ечимини кутмоқда.

А.В.Востроилов ва бошқаларнинг (2005), У.Носиров (2008), Ю.Ибрагимов (2011) хулосаларига кўра, қорамолларни боқиш усулларида катъий назар, уларни тирик вазнини букачаларнинг гўшт маҳсулдорлигини ва сизирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда энг асосий омил бўлиб юқори озиқлантириш даражаси ва унинг сифати ҳисобланади. Тадқиқотлар маълумотларининг кўрсатишича, қорамолларнинг тирик вазни ва сизирларнинг сут маҳсулдорлиги юқори озиқлантириш даражасида, паст озиқлантириш даражасидаги тенгқурлариникидан шунга мос равишда 70-100 ва 435-664 кг юқори бўлган. Чорвачилик ривожланган давлатларда моллар маҳсулдорлигини кескин оширишда наслчилик ишини замонавий усуллари қўллаш билан бирга, тўла қийматли озиқалар ва емлар билан юқори меъёрга боқиш ҳар томонлама ўз самарасини бермоқда. Шунинг учун ҳам У.Н.Носиров, О.Собировлар (2008) келажакда мамлакатимизда чорвачилик йўналишдаги фермер хўжаликларида, бир шартли молни йилига 45 центнер озуқа бирлиги ҳисобидан боқиш йўлга қўйилишини илмий жиҳатдан асослаб беришган. Уларнинг таъкидлашича, жами озиқа бирлигига (45ц) нисбатан 35-43 фоизгача концентрат, 18 фоизгача дағал озиқалар, 19-22 сенаж ва 20-25 фоизгача силос билан озиқлантириш моллар маҳсулдорлигини кескин оширади. Ушбу озиқа таркибидан келиб чиққан ҳолда, 30 бош шартли молга эга бўлган фермер хўжалигида 1350 центнер озиқа бирлиги, шу жумладан, натура ҳисобида 525 центнер концентрат озуқа, 848 центнер сенаж, 1688 центнер силос ва 608 ц дағал озуқа талаб қилинади.

Ю.Иброгимов (1991) ўз тадқиқотларида бушуев ва голштинлаштирилган қора-ола зотли бузоқларни тўла қийматли озиқлантириш шароитида ўстириш, уларнинг тирик вазнини туғилгандан 18-ойликкача 13-14 марта ошириш имкониятини берганлигини ва улар 1 кг тирик вазнга 7,25-7,55 кг озиқа бирлигини сарфлашганлигини таъкидлаган.

П.С.Собиров (1995) қора-ола х голштин (I гуруҳ), қизил чўл х голштин (II гуруҳ), қизил эстон х голштин (III гуруҳ) дурагайлариининг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини ўрганган. 18 ой давомида I гуруҳ 3080,0; II-

3063,0 ва III-3111,4 кг озуқа бирлигини истеъмол қилган. 1 кг тирик вазн учун сарфланган ем–хашак миқдори гуруҳларда тегишлича 7,2; 7,4 ва 7,5 кг озуқа бирлигини ташкил қилган. Ҳар хил зот ва зотдорликдаги буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлигига ва унинг сифатига таъсир қилувчи омиллардан энг муҳими озиқлантириш тури ва даражаси эканлигини ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтган.

Г.М.Хитринов, Р.В. Дмитриеваларнинг (2000) маълумотларига қараганда 74% йўнғичқа сенажи, 6% илдизмевали ва 20% концентрат озиқалардан ташкил топган рацион, бошқа турдаги озиқлантиришдан анча афзал бўлиб, 15 ойлик буқачаларни 364 кг тирик вазнга эга бўлишига сабаб бўлган. Бу кўрсаткич ўз тенгдошлари, вақтида ўрилмаган озиқабоп ўсимликлардан тайёрланган

Ю.М.Кривенцов ва бошқаларнинг (1998) олган натижаларида голштинлаштирилган қора-ола хайвонларининг маҳсулдорлик кўрсаткичига ҳам рацион таркибидаги омухта ем миқдорининг турлича бўлиши ўрганилган. Омухта ем бўйича меъёрлаштирилган рацион билан озиқлантирилган гуруҳдаги хайвонларнинг маҳсулдорлиги, ўз тенгдошлари меъёрлаштирилмаган рацион билан озиқлантирилганларга қараганда 11,8-17,5% юқори бўлган.

Қорамолларнинг тирик вазнига ва кейинчалик уларнинг гўшт маҳсулдорлигига озиқлантиришдан ташқари яна бир муҳим фенотипик омил асраш шароитлари ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шунини ҳисобга олган ҳолда кўплаб муаллифлар молларни асраш шароитларини яхшилаш, улардан ҳаёти мобайнида самарали фойдаланиш муддатини узайтириш имконини беришини таъкидлаганлар.

Б.Салибаев (1995) ҳар хил озиқлантириш ва асраш технологиясини кўллаб, қора-ола зотига мансуб сигирларни голштин буқалари билан чатиштириш натижасида олинган ҳар хил геннотипли голштинлаштирилган хайвонларни гўшт маҳсулдорлигини ўрганган. Олинган маълумотлар тахлили шунини кўрсатадики, очик майдонда боқилган иккинчи ва учинчи

бўғин букачалари жадал ўсишган. Буни уларнинг 18 ойлигида тегишлича 444,5 ва 468,6 кг ва 22 ойлигида 678,7 ва 591,2 кг тирик вазнга эга бўлганлигидан ҳамда 25 ойлигидаги 365,2 ва 401,3 кг сўйим оғирлигидан ҳам билса бўлади.

В.Сарапкин ва бошқалар (2006), қора - ола зотига мансуб сигирларни голштин билан чатиштири олинган голштин зоти бўйича генотипи турлича бўлган аниғироғи I – гуруҳ ҳайвонларда 37,5 фоиз; II - гуруҳда 37,5 дан 62,5 фоизгача ва III - гуруҳда эса 62,5 % дан юқори бўлган букачаларни ҳамда айнан шундай генотипга эга бўлган катта ёшдаги сигирларнинг гўшт маҳсулдорлигини ўрганишган.

Махсус ташкил қилинган илмий - ишлаб чиқариш тажрибасида шу нарсани кузатишганки, барча гуруҳлардаги ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичи юқори бўлган, айрим индивидлар бир кунда 1000 граммгача кўшимча тирик вазнга эришган, бир вақтнинг ўзида бу кўрсаткич айрим индивидларда 700 - 800 граммни ташкил қилган. Тана ўлчамлари ва олинган тана ўлчамлари асосида ҳисобланган тана тузилиш индекслари бўйича ҳам ишонарли даражада гуруҳлараро фарқ аниқланган бўлиб, бунда чатишма букачалар ижобий томонга ажралиб туришган.

18 ойликда ўтказилган назорат сўйимида: I – гуруҳ ҳайвонларда нимталланмаган гўштнинг оғирлиги 194,2 кг, иккинчи гуруҳда 102,4 кг, учинчи гуруҳда 104,9 кг бўлганлигини кўрсатади. Фарқ охириги гуруҳ фойдасига тегишли равишда 8,2 кг ёки 4,4 фоиз ва 10,7 кг ёки 5,8 фоизни ташкил қилган. Аммо бу кўрсаткич бўйича II - гуруҳдаги катта ёшдаги сигирлар аксинча ўз тенгқурларидан I ва III гуруҳдан мутаносиб равишда 29,4 кг ёки 10,4 фоиз ва 30,7 кг ёки 10,9 фоиз устунликка эришган. Лаҳм гўшт салмоғи бўйича ҳам букачалардан I- гуруҳ (155,2 кг) ва сигирлардан эса II – гуруҳ (145,0 кг) юқори кўрсаткичларга эришган. Аниқланган фарқ статистик жиҳатдан ўта ишончли даражададир.

В.М.Иванов (1989, 2005) қизил чўл ва қора-ола зотларига мансуб букачаларни айрим маҳсулдорлик кўрсаткичларини, ушбу зот сигирларини

голштин буқаси билан чатиштириш натижасида олинган чатишма ҳайвонларнинг кўрсаткичи билан таққослаб ўрганган. 424 кунлик сўқимлашдан кейин соф зотли буқачаларни тирик вазни 422 кг бўлган. Бу кўрсаткич чатишма ҳайвонларда 443 кг ни ташкил қилган, фарқ 21,0 кг ёки 5,0 фоиз. Нимталанмаган гўшт миқдори бўйича фарқ чатишма буқачалар фойдасига 18,6 кг ёки 8,6 фоиздир. Сўйим чиқими, шунга мос равишда 55,1 ва 57,5 % бўлган. Муаллиф, олинган натижалар асосида бир - бирига яқин бўлган сутбоп қорамол зотларини ўзаро чатиштириш натижасида олинган авлодларда оз бўлсада гетрозис ходисаси намоён бўлган деган хулосага келган.

Ҳақиқатдан ҳам, ушбу тажриба яна бир бор қора-ола зотли қорамоллар нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги билан, балки гўшт маҳсулдорлиги билан ҳам кўпгина сут йўналишидаги зотлардан устун эканлигини кўрсатган.

Бундан ташқари қора-ола зоти ўзида мужассамлашган миқдор ва сифат белгилшарини авлоддан авлодга ўтказиш ҳам яхши хусусиятга эга эканлигини намоён этди. Истемол қилган озиқасини маҳсулот бирлиги билан қоплаш қобиляти ҳам талаб даражасидадир.

А.Б.Коракулов (1996), қора-ола (I гуруҳ), қора-ола х голштин (II гуруҳ) чатишма ҳайвонларини ўсиш, ривожланиш, экстерьер хусусиятлари ва гўшт маҳсулдорлигини Тожикистон Республикасининг шароитида таққослаб ўрганган. Тажрибадаги буқачаларнинг асраш ва озиқлантириш шароити бир хил бўлган. Олинган натижалар шуни курстганки, ҳар иккала гуруҳ ҳайвонларининг мутлоқ ва нисбий ўсиши ҳам юқори даражада бўлган, яъни дуркун ўсишган. Лекин, қора-олага қараганда уларнинг сигирларини голштин зотининг буқалари билан чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин авлодлари анча устунликка эришган. Хусусан 21 ойликда соф зотли қора-ола буқачаларининг ўртача тирик вазни 479,8 кг ни ташкил қилган бўлган, бу кўрсаткич бўйича ўз тенгқурлари соф зотли қора-ола буқачаларини 4,5 кг ёки, 0,9 фоиз орқада қолдиришган.

Букачаларнинг бир кунлик ўсиши, нисбий ўсиши ва ўсиш коэффициенти бўйича ҳам ишонарли даражада гуруҳлараро фарк аниқланган. Тана тузилиши сут йўналишидаги зотнинг тана тузилишига хос бўлган. Уларнинг кўкрак кафаси, кўкрак эни, улардан олдинги қисми пропорционал ривожланган бўлган. Хайвонларни гўшт маҳсулдорлигини аниқлаш учун 15, 18, 21 ва 24 ойликда назорат сўйими ўтказилиб, ҳар бир ўсиш ойида ҳар гуруҳдан ўртача 5 бошдан ҳайвон сўйилган ва сўйим кўрсаткичлари аниқланган. Гўшт маҳсулдорлигини баҳоланганда гўштнинг оғирлиги муҳим ҳисобланади. Бу тажрибада II гуруҳ ҳайвонларнинг гўшт оғирлиги, I гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан 8 - 17 фоизга юқори бўлган.

П.С.Собиров (1995) маълумоти бўйича, Самарқанд вилояти шароитида қора-ола зотли қорамоллар ўзининг иқлимланиш хусусияти ва маҳсулдорлиги билан кўпгина бошқа зотлардан ижобий томонга ажралиб турар экан. Лекин бошқа зотлар каби ушбу зот ҳам ўзининг айрим хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштиришга мухтож. Шунинг учун ҳам уни дунё генофондига мансуб бўлган голштин зоти билан чатиштириш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда, Самарқанд вилоятида 1980 йиллардан бошлаб, ушбу зотнинг Кондактр ва Харлав лақабли насли буқалари келтирилиб, қора-ола билан чатиштириш ишлари бошланган.

Муаллиф айрим ўтказган илмий - ишлаб чиқариш тажрибаларининг натижаларига асосланиб, қора-ола зотли қорамолларининг сигирлари нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги билан Мамлакатимиз шароитида урчитилаётган бошқа режали қорамол зотларидан анча устун бўлиб қолмай, балки ўзининг гўшт маҳсулдорлиги билан ҳам, ҳатто Республикамизда урчитилаётган айрим гўштбоп зотлардан қолишмаганлигини таъкидлаган.

А.Саматов (1999, 2004), Тожикистон Республикасининг шимолий худуди шароитида қора-ола зотли сигирларни голштин билан чатиштириш натижасида олинган ҳар хил зотдорликдаги чатишма ҳайвонларни ўсиш ва ривожланиш, клиник статусини, гўшт маҳсулдорлигини ва гўштининг сифати каби кўрсаткичларини таққослаб ўрганган.

Муаллифнинг олинган рақамий маълумотлар асосида таъкидлашicha, чатишма ҳайвонларда, голштин қон улуши даражаси ошган сари ўсиш ва ривожланиш, жараёни жадал кечган. Истеъмол қилган ем-хашакни маҳсулот бирлиги билан қоплаш хусусияти эса яхшиланган, яъни кам озуқа истеъмол қилиб кўп маҳсулот беришган. Хусусан 21 ойликдаги соф зотли қора-ола ва уларнинг биринчи ва иккинчи бўғин чатишма авлодларининг тирик вазни тегишли равишда: 565,8; 569,7; ва 579,2 кг бўлган бўлган.

Кўриниб турибдики, иккинчи бўғин авлодлари ўз тенгқурлари соф зотли ва биринчи бўғин чатишма авлодларини бу кўрсаткич бўйича тегишлича 13,4 кг ёки 4,4 фоиз, 9,5 кг ёки 1,7 фоиз орқада қолдиришган. Нимталанмаган гўштнинг оғирлиги мутаносиб равишда 24 ойликда: 339,4; 343,2; 357,4 кг. Фарқ охирги гуруҳ фойдасига мос тарзда: 18,0 кг ёки 5,3 фоиз, 14,2 кг ёки 4,1 фоизга тенг бўлган. 24 ойликда буқачаларнинг тирик вазни тегишлича: 628,5; 635,0 ва 658,3 кг бўлиб, бу кўрсаткич бўйича ҳам гуруҳлараро фарқ охиргиси фойдасига шунга мос равишда: 29,8 кг ёки 4,7 фоиз, 23,3 кг ёки 3,7 фоизга тенг бўлган. Гўштнинг марфологик ва кимёвий таркиби бўйича ҳам ишонарли даражада фарқ кузатилган.

Г.Б.Амантурдиев (1996), Тошкент вилояти шароитида асосан қора-ола зотли ҳайвонларни урчитилишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу зотга мансуб буқачаларни турли асраш шароитида ўсиш, ривожланиш, клиник ва гематологик кўрсаткичларни ҳамда гўшт маҳсулдорлигини ўрганган. Тажриба давомида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, 8,5 ойлигигача бинода, 8,5 ойдан 10 ойлигигача енгил ёпилган айвонга боғламасдан, кейин 14 ойлигигача боғлаб, 17 ойлигидгача эса енгил ёпилган айвонга боғлаб сўқимланган буқачалар жадал ушиб катта тирик вазнга эришган.

Хусусан 17 ойликда ўтказилган назорат сўйимда шу нарса аниқ бўлдики, сўйишдан олдинги тирик вазни ушбу гуруҳ (VI) буқачаларида 465,0 кг бўлиб, ўз тенгқурлари I – гуруҳдан 37,5 кг ёки 8,8 фоиз, II – гуруҳдан 22,6 кг ёки 5,1 фоиз, III- гуруҳдан 12,0 кг ёки 2,6 фоиз, IV – гуруҳдан 27,4 кг ёки 6,7 фоиз ва V- гуруҳдан 12,3 кг ёки 2,7 фоиз.

Гўшт маҳсулдорлигини характерлайдиган нимталанмаган гўшт оғирлиги бўйича VI- гуруҳ букачалари 260,2 кг, ўз тенгқурлари I, II, III, IV ва V – гуруҳларни тегишлича: 28,7 кг ёки 12,4 фоиз, 17,7 кг ёки 7,3 фоиз, 11,4 кг ёки 4,6 фоиз, 19,3 кг ёки 8,0 фоиз, 10,0 кг ёки 4,0 фоизга орқада қолдиришган. Сўйим оғирлиги бўйича фарқ гуруҳларда шунга мос равишда (VI- гуруҳда 272,2 кг,) 31,2 кг ёки 12,7 фоиз, 20,1 кг ёки 7,8 фоиз, 13,5 кг ёки 5,1 фоиз, 21,1 кг ёки 8,3 фоиз ва 10,9 кг ёки 4,1 фоизни ташкил қилган.

Клиник сатуси, ўсиш ва ривожланиши ва гўштининг сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам гуруҳлараро фарқ кузатилган. Олинган натижаларни мавжуд бўлган илмий манбаларнинг маълумотлари билан умумлаштириб муаллиф, Республикамиз шароитида урчитилаётган қора-ола зотига мансуб букачаларнинг ўсиш ва ривожланишига уларнинг гўшт маҳсулдорлигига ҳамда гўштининг сифат кўрсаткичларига сақлаш шароити ҳам таъсир қилади деган хулоса қилган.

А.Қаҳаров, Ш.Каримов, А.Хушвақтов (2008), генетик келиб чиқиши ҳар хил бўлган қора-ола зотига мансуб букачаларнинг гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш мақсадида 2003-2006 йиллар давомида Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги «Чорва-барақа» хўжалигида зоти, зотдорлиги, жинси, тирик вазни бир-бирига ўхшаш бўлган 3 ойлик эркак бузоқлар танлаб олинди. I-гуруҳга соф зотли қора-ола, II-гуруҳга қора-ола зотли сигирларни голштин зоти буқаси билан чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин 3-гуруҳда эса иккинчи бўғин авлодларига мансуб бузоқлар киритилди.

Тажрибадаги бузоқлар хўжаликнинг ўзида етиштирилган озуқалардан тузилган рацион асосида жадал озиқлантирилди. I - гуруҳ букачаларига 12 ойлигигача 3698,0 озиқа бирлиги берилди. Бу уларнинг II - гуруҳдаги тенгқурларига берилган озуқа бирлигидан 32,1 ва III - гуруҳга берилган озуқа бирлигидан эса 115,0 кг камдир.

Қорамоллар гўшт маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан бири уларнинг тирик вазнидир. Шунинг эътиборга олган

холда тажрибадаги ҳайвонларнинг тирик вазни ошиши ҳар бир ўсиш даври бўйича ўрганган.

Соф зотли қора - ола бузоқлар бу кўрсаткич бўйича биринчи ва иккинчи бўғин чатишма тенгқурларидан тегишлича 3,7 кг (4,7 %) ва 6,8 кг (8,7 %) орқада қолишган.

Кейинги ўсиш даврида голштин зотининг қон улуши кўп бўлган. III-гуруҳ буқалари жадал ўсишган. Айтайлик 6 ойликда тирик вазн бўйича фарк улар фойдасига 8,3 (5,0 %) ва 12,3 кг (9,6 %) ни ташкил этди. Тажриба охирида, яъни 21 ойлигида III - гуруҳдаги чатишма буқаларнинг тирик вазни 521,7 килограммга етиб, бу борада I - гуруҳ тенгқурларига нисбатан 57,0 кг ёки 12,3 % ва II - гуруҳдаги тенгқурларидан эса 15,2 кг ёки 3,0 % устунлик қилишган.

С.Бўриев (1993), соф зотли қора-ола ва турли генотипли голштинлаштирилган сигирларни сут маҳсулдорлигини гематологик кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўрганган. Олинган натижалар қон таркибидаги умумий оқсил кўрсаткич бўйича ҳайвонларда йилнинг ёз-куз ойларида юқори бўлганлигини, айниқса альбулин фракцияси эса қиш фаслида (2,95 – 3,10 г/%) ва кузда (2,60 – 2,63 г /%), ёз фаслида (2,47 – 2,61 г/%) ва баҳорга (2,46- 2,56 г/%) нисбатан юқорилигини кузатган.

А.Саматов (2004), ҳар хил генотипли голштин буқачаларини гўшт маҳсулдорлиги билан, гематологик кўрсаткичларини боғлиқлигини ўрганиб, голштин қон улуши юқори бўлган (0,75) дурагай буқачаларнинг қони гемоглобинга тўйинганлигини, уларнинг қонида эритроцит ва лейкоцит соф зотли қора-ола буқачаларига нисбатан кўплигини кузатган. Шунинг учун ҳам уларнинг ўсиш ва ривожланиши жадал бўлиб, 24 ойлигидаги сўйишдан олдинги тирик вазни, нимталанмаган гўшт оғирлиги ва сўйим оғирлиги соф зотли қора-олага нисбатан тегишлича: 29,8; 18,0 ва 9,9 килограмм ортиқ бўлганлигини қайд қилган.

А.А.Хушвақтов (2007) соф қора-ола зотли буқачаларни ва шу зот сигирларини голштин зотига мансуб буқалар билан чатиштириш

нарижасида олинган букачаларнинг ўсиш, ривожланиши, айрим биологик хусусиятлари ва гўшт маҳсулдорлигини Зарафшон воҳаси шароитида ўрганган. Бунинг учун 3 ойлик эркак букачалардан 30 бош ажратган, шулардан 10 боши қора-ола сигирларни голштин билан чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин (II- гуруҳ) ва яна 10 боши иккинчи бўғини (III - гуруҳ) чатишма авлодлар бўлиб, уларни бир хил асраш ва озиклантириш шаротида боққан, парваришлаган ва сўқимлаган.

Ишнинг услубига биноан ҳайвонларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва гўштнинг сифатини ўрганиш мақсадида 18 ва 21 ойликда назорат сўйим ўтказилган. Олинган маълумотлар барча ҳайвонлар жадал ўсганлигини зотга хос бўлган даражада ривожланганлигини, клиник сататуси, яъни организмнинг клиник ва гематологик кўрсаткичлари физиологик меъёр даражасида бўлганлигини кўрсатган. Хусусан 21 ойликда ташкил қилинган назорат сўйимида қора - ола букачаларининг тирик вазни 464,3 кг ни ташкил қилган, бу кўрсаткичлар уларнинг тенгқурлари II ва III – гуруҳларда 506,1 ва 521,3 кг бўлган.

Демак фарқ охирги гуруҳ фойдасига, 57,0 кг ёки 12,3 фоиз ва 15,2 кг ёки 3,0 фоизга тенг бўлган. Букачаларнинг бу ойдаги сўйим оғирлиги тегишли равишда 269,3; 291,2 ва 309,6 кг ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич бўйича ҳам III гуруҳ букачалари, ўз тенгқурлари I ва II - гуруҳни шунга мос тарзда 40,3 кг ёки 15,0 фоиз ва 18,4 кг ёки 6,3 фоизга орқада қолдиришган. Гўштнинг сифат кўрсаткичлари бўйича эса, қора – ола зотли букачалар устун бўлишган.

О.Гетоков, М.Ушаков, З.Долгиевалар (2004) қора-ола зотли сигирларни голштин буқалари билан чатиштириш натижасида олинган чатишма ҳайвонларининг ўсиш жадаллиги эмбрион даврида соф зотлига нисбатан биров суслигини кўрсатишган. Шунинг учун ҳам биринчи ва иккинчи бўғин авлодларини туғулгандаги тирик вазни соф зотлига нисбатан 2,3 ва 6,3% кам бўлган. Аммо ўсишнинг кейинги давларида чатишма ҳайвонлар ўсиш бўйича устунликни қўлга олишган. 18 ойликда улар 441,3 ва 450,4 кг тирик

вазнга эга бўлиб, тегишлича соф зотли тенгдошларини 9,1 ва 27,8 кг , ёки 2,0 ва 6,5% орқада қолдиришган. Нимталар оғирлиги соф зотлида 220,6 кг бўлган. Бу эса биринчи бўғинда 13,8 (6,3%) ва иккинчи бўғиндан 22,0 кг (11,0%) кам демакдир. Сўйим чиқими гуруҳларда шунга мос ривишда 55,3; 56,3; 57,5% ташкил қилган. Олинган маълумотларни таҳлили шундан далолот берадики, Ингушистон Республикаси шароитида қора-ола зотини голштин зоти билан чатиштириш, олинган читишма ҳайвонларни жадал ўсишига ва гўшт маҳсулдорлигини юқори бўлишига олиб келар экан. Махсус тажрибаларда олинган натижаларнинг таҳлили шундан далолат берадики, қора - ола зотини голштин зоти билан айрим хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштириш бугунги кун талаби экан.

Ушбу тадқиқот ҳам МДХ да урчитилаётган 300 га яқин қорамол зотлари орасида қора ола зотини ўз ўрни борлигидан далолат беради ва яна бир марта қора - ола зоти нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги, балки гўшт маҳсулдорлиги ва гўштининг сифати яъни экологик жихатдан тозаллиги бўйича бошқа урчитилаётган зотлардан қолишмайди, аксинча уларни кўпларидан устунлик қилади.

Д.С.Адушинов ва бошқалар (2002), ҳайвонларнинг зотига ва зотдорлигига, яъни генетик келиб чиқишига ёшига, жинсига қараб ўхшашлик асосида уч гуруҳга бўлган, ҳар бир гуруҳга 60 бошдан танлаб олган. I гуруҳ- соф зотили қора - ола , II гуруҳ- биринчи бўғин голштин дурагайлари ва III гуруҳ - иккинчи бўғин дурагайлари (қора- ола х голштин).

Барча гуруҳдаги ҳайвонлар генетик келиб чиқишидан қатий назар, бир хил шароитда асралган ва озиклантирилган. Тажриба 3 – ойликдан 18 ойлигигача бўлган. 18 ойликда ҳар бир гуруҳдан 10 бошдан ҳайвон ажратилган, назорат сўйим ташкил қилинган. Сўйишдан олдинги тирик вазн гуруҳларда тегишлича: 450,3; 489,4; ва 478,6 кг бўлган. Кўриниб турибдики, сўйишдан олдинги тирик вазн бўйича II - гуруҳ ҳайвонлари ўз тенқурлари,

I ва III -гурӯҳлардан тегишли равишда: 39,1 кг ёки 8,7 фоиз ва 11,4 кг ёки 2,4 фоиз юқори кўрсаткичга эришишган.

Нимталанмаган гўшт оғирлиги, I гуруҳда 245,6; II - да 271,7 ва III- да 265,9 кг бўлган. Бу кўрсаткич бўйича ҳам, II- гуруҳ ҳайвонлари фойдасига фарқ шунга мос тарзда: 21,6 кг ёки 10,6 фоиз ва 1,8 кг 0,7 фоизни ташкил этган. Сўйим чиқими эса тегишлича : 59,7; 61,1 ва 60,9 фоиз бўлган. 100 кг тирик вазнга тўғри келадиган лаҳм гўшт I - гуруҳда 43,4; II - гуруҳда 45,5 ва III - гуруҳда 45,1 кг ташкил қилган.

Олинган маълумотлар асосида муаллифлар, қора-ола зоти нафақат ўзининг сут маҳсулдорлиги, балки гўшт маҳсулдорлиги бўйича ҳам кўпгина зотлардан устун эканлигини таъкидлашган ва ўтказган тажрибаларда биринчи бўғин буқачаларида кам бўлсада гетрозис ходисаси намоён бўлган деган хулосага келишган.

Б.Абдалниёзов, Р.Худаёров (2013) маълумот беришича Хива туманидаги “Аваз Қаландар” фермер хўжалигига 2006 йил 10 бош голштинлаштирилган қизил чўл молининг ғуножинларини 18 млн. сўмга, 2007 йили яна 3 бош сигирни 5,4 млн. сўмга сотиб олган 2012 йилга келиб улардан 4 - 5 бош бузоқ олинди ва шу ўтган йилда ҳар бир сигирдан йилига ўртача 3950 кг сут соғиб олинди. Демак, бир бош сигирдан йилига 2,75 млн. сўм даромад қилинди. Муаллифлар томонидан 2009 - 2012 йилларда махсус тажрибалар ўтказилиб голштинлиштирилган қизи тусли молларнинг биринчи марта туққан сигирларининг хўжаликларда сақлаш юқори иқтисодий самара бериши тасдиқланган. Ўтказилган ҳисоб - китоблар асосида ишлаб чиқариш рентабеллиги аниқланган.

1- гуруҳдаги биринчи марта туққан сигирлар соғим даврида бир хил баҳода сотилган энг яхши соғим натижасига ва кам таннархда 1 кг базис ёғлиликдаги сут етказилишга эришган.

Лекин соғим даврида сотилган сутдан 2,5 млн. сўм даромад қилинган, шу билан бирга, 2- тажриба гуруҳидаги биринчи марта туққан сигирлар 2,3 млн. сўм даромад қилган, яъни 1- гуруҳ сигирларидан 210925 сўм (11,97 %)

кўп даромад олинган. Тегишлича 1- тажриба гуруҳидаги биринчи марта туққан сигирдан 748507 сўм соф фойда олинган (II- гуруҳда 662990 сўм), бу 85514 сўм (8,85 %) кўпдир. Голштинлаштирилган қизил чўл зотига мансуб биринчи марта туққан сигирдан соғим даврида ўртача 705747 сўм соф фойда олинган бўлса, маҳаллий селекциядаги қизил чўл зотли сигирлардан 453199 сўм соф фойда олинди, бу келтирилган наслдор моллар фойдасига 252548 сўм, яъни 64,2 % кўпдир.

Юқори махсулдорликка эга бўлган голштинлаштирилган биринчи марта туққан сигирларнинг сут ишлаб чиқариш рентабеллиги ўртача 41,1 % ни ташкил қилади, бу маҳаллий селекцияга оид қизил чўл зотли сигирларникидан 12,8 % кўп. Хулоса ўрнида айтса наслдор голштинлаштирилган қизил чўл зотли қора молларни хориждан сотиб олиб, тегишли озиқлантириш ва асраш шароитлари яратилса, улардан юқори сут маҳсулотини олиш мумкин. Фермер хўжаликларида бундай молни сақлаш юқори иқтисодий самарадорлик келтириши мумкинлигини кўрсатади.

Е.И.Сокса, А.И.Кузина (1992) маълумотларига қараганда чатиштиришда голштин зотли буқалардан фойдаланиш натижасида қора-ола зотли барча тоифадаги хўжаликларда сигирларнинг сут махсулдорлиги ўртача 200 кг га кўпайган бўлса, поданинг ўртача сут махсулдорлиги 5500 – 6000 кг бўлган хўжаликларда бу кўпайиш 440 кг ни ташкил этган.

О.Карпова ва бошқалар (2004) маълумотларни таҳлил қилганда қора-ола зотли сигирларни голштин зотига мансуб буқалар билан чатиштиришдан олинган 1 - бўгин дурагай сигирларнинг сут махсулдорлиги 3,4 – 3,6 % 2 бўғинда 4,1 - 4,5 %, 3- бўғинда 4,7 - 5,6 % ва тирик вазни 5,5 – 8,0 % га ошганлиги кузатилган.

А.Қахаров ва бошқалар (2004,2005), Д.Авазов ва бошқалар (2005) қора-ола зотини, голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган чатишма авлодларни ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини, айрим биологик хусусиятларни ва гўшт махсулдорлигини Республиканинг энг

иссиқ худуди Сурхандарё вилояти шароитида, соф зотли қора - оланинг кўрсаткичларига қиёслаб ўрганишган.

Тажриба натижасида олинган маълумотлар асосида муаллифлар ўсиш жадаллиги, истеъмол қилган озиқани маҳсулт бирлиги билан қоплаш хусусияти, физиологик кўрсаткичлари клиник статус ва эталогик хусусиятлари сўйимнинг миқдор ва нисбий кўрсаткичлари, лаҳм гўшт миқдори, гўшtdорлик коэффиценти, гўшт ва терининг сифат кўрсаткичлари бўйича голштинлашган ҳайвонлар ўз тенгқурлари соф зотли қора- оладан устун эканлигини таъкидлаб ўтишган.

У.М.Куччиевнинг (2002, 2006) таъкидлашича қора-ола зотли сигирларни голштин зотига мансуб буқалар билан чатиштиришдан олинган $\frac{1}{2}$, $\frac{3}{4}$ ва $\frac{7}{8}$ зотдорликдаги турли фаслларда туққан сигирларнинг сут маҳсулдорлигини, пушtdорлик, елин ва озиқани сут билан қоплаш хусусиятлари ҳамда бошқа хўжалик фойдали белгилари куз-қиш фаслларда туққан сигирларда юқори бўлар экан.

Куз-қиш фаслларида туққан соф қора-ола зотли ва голштин зоти бўйича $\frac{1}{2}$, $\frac{3}{4}$, $\frac{7}{8}$ зотдорликдаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ушбу зотдорликдаги баҳор-ёзда туққан тенгқурлариникидан тегишли равишда 71,5; 134,2; 188,6 ва 206,5 кг юқори бўлган.

Куз-қиш фаслларида туққан соф қора-ола зотли ва $\frac{1}{2}$, $\frac{3}{4}$, $\frac{7}{8}$ зотдорликдаги голштинлаштирилган сигирларнинг ҳар биридан баҳор-ёзда туққан ушбу зот ва зотдорликдаги сигирларга нисбатан шунга мос равишда 2931,7; 4164,0; 4396; 4396,23 ва 2385,90 сўм кўп фойда олинган.

Муаллифларнинг фикрича қора-ола ва турли генотипли голштинлаштирилган сигирларни туғишини куз- қиш фаслларида ўтказишни амалга ошириш юқори маҳсулдор подалар яратишда ва сигирларнинг маҳсулдорлик ҳамда пушtdорлик хусусиятларини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Д.С.Адушинов (2006) тадқиқотларида қора-ола зотли сигирларни голштин зотига мансуб буқалар билан чатиштиришдан олинган сигирлар

яхши ривожланган экстерер кўрсаткичларига ва юқори тирик вазнга эга бўлганлар. Голштин зоти бўйича зотдорликнинг ошиши билан бундай сигирларнинг тана ўлчамлари ва тирик вазни яхшиланиб борган.

Муаллиф тадқиқотларида голштин зотли буқалардан олинган сигирларнинг маҳсулдорлик йўналиши бўйича 85,7 % сут ва 14,3 % сут - гўшт типига мансуб бўлган, соф қора - ола зотли сигирларда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 60,0 ва 35,5%ни ташкил этган ҳамда уларнинг 4,5 % гўшт-сут йўналишига эга бўлган.

Голштин зотли буқаларнинг авлодлари соф қора-ола зотли тенгқурларини танасининг баландлиги ва қия узунлиги бўйича ўзганлар. 1-соғин давридаги дурагай сигирларнинг тирик вазни 490 - 522 кгни ташкил этиб, соф қора - ола зотли тенгқурлариникидан ўртача 7,0 кг юқори бўлган.

Сутдорлик коэффиценти дуругай сигирларда 1 соғин даврида 916 кг, 2 соғин даврида 909 ва 3 соғин даврида 861 кгни ташкил этиб, қора-ола зотли тенгқурлариникидан тегишли равишда 86,8 ва 42 кг юқори бўлган.

Р.Худаёров (2012) Хоразм вилоятидаги голштинлаштирилган молларнинг туёқ бақувватлилиги бўйича тадқиқотлар олиб борган. Муаллифнинг кузатиш натижаларига кўра голштинлаштирилган қизил чўл молининг туёқлари маҳалий селекцияга оид қизил чўл молларининг туёқларидан бир мунча устунликка эга. Катта тирик вазнли молларнинг туёғи тез ўсиб эгилади ва оғриқли ҳолат бошланади. Туёқ касалликларининг олдини олиш ва голштинлаштирилган қизил чўл молида оғриқли ҳолатни йўқотиш мақсадида муаллиф йилда туёқ шохини 2-3 марта кесишни ташкил қилишни тавсия қилади.

В.М.Иванов (2005) такидлашича, гўшт маҳсулдорлини етиштиришни жадаллаштиришда сутбоп сигирларни махсус гўшт йўналишидаги қорамол зотларини буқалари билан чатиштириш самарали ҳисобланади. Мисол учун қизил чўл, қизил чўл х абердин - ангусс, қизил чўл х герфорд, қизил чўл х шароле, қизил чўл х лимузин, қизил чўл х санта-гердруда дурагай авлодларини 15 ойлигидаги нимталанмаган гўштини оғирлиги тегишлича:

162,2; 173,2; 184,8; 192,6; 191,3; 185,2 кг бўлган. қизил чўл х шароле авлодлари ўз тенгқурларидан шунга мос равишда: 30,4 кг (18,7 %), 19,4 кг (11,2 %), 7,8 кг (4,2 %), 1,3 кг (0,7 %), 7,4 кг (4%) зиёд тош босган. 18 ойликда нимталанмаган гўшт оғирлиги бичилмаларда тегишлича: 191,5; 200,2; 219,4; 232,8; 234,3; 222,6; 219,5 кг бўлган. Бунда ҳам устунлик қизил чўл х шароле авлодларида кузатилган бўлиб тегишлича: 42,8 кг (22,4 %), 34,1 кг (17 %), 14,9 кг (6,8 %), 1,5 кг (0,6 %), 11,7 кг (5,3 %), 14,8 кг (6,7 %) га тенг бўлган. Кўриниб турибдики дурагай ҳайвонларнинг барчаси соф зотлига нисбатан кўп ва сифатли маҳсулот беришган.

Муаллифлар олинган натижаларни атрофлича таҳлил қилиб чатишма ҳайвонлар организмида соф зотли тенгқурларига нисбатан гетеразигот ҳолдаги ва доминанд ҳолдаги гомозигот кўп эканлигини такидлашган. Шунинг учун ҳам чатишма ҳайвонлар организмида оксилларнинг ва моддалар алмашилиш жараёнлари мейёр даражада бўлган. Бу эса ўз навбатида ҳужайра ва тўқималарни биологик жараёнлари нормал кечиб организмни дуркун ва жадал ўсишини таминлаган. Натижада тирик вазн билан бевосита боғлиқликда бўлган гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифат кўрсаткичлари қора-ола ҳам айниқса қора-ола билан голиштинни чатиштириш натижасида олинган авлодларда ҳам юқори бўлганлигини кўриш мумкин.

Юқорида таҳлил қилинган илмий тадқиқотлар натижасининг хулосаси ўрнида шуни айтиш керакки, бизнинг мамлакатимизнинг ўзига хос экологик ва иқлим шароитида гўшт маҳсулдорлиги натижасида гўшт муаммосини ҳал қилишда қорамолчиликни давр талаби асосида ривожлантириш муҳим экан. Бунда гўшт ва сут қорамолчилиги билан бир пайтда махсус гўшт ёналишидаги қорамолчиликни ривожлантириш чора тадбирларини кўриш лозим. Ана шундагина қорамол гўшти ишлаб чиқаришни жадаллаштиришимиз мумкин экан.

II.ТАНЛАНГАН МАВЗУ БЎЙИЧА МУАММОЛАРНИ ҚЎЙИЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН УСЛУБИЯТЛАР

Битирув малакавий ишининг мавзуси зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва урчитиш кафедрасининг йиғилишида кўриб чиқилган ва тасдиқланган. Битирув малакавий иш шаклига келтириш учун талабага илмий раҳбар томонидай топшириқ берилган, унинг бажариш услуби таёрланган, ана шу услубиятга асосан қуйидаги масалаларни таҳлил қилиш режалаштирилган:

1. Битирув малакавий ишига асос қилиб олинган голштин зотларга қисқача тавсиф бериш ва уни чапиштиришдан фойдаланаётган зотларнинг гўшт махсулдорлигини самарадорлигини билиш, бунда қорамолчилик бўйича дарслик ўқув ва услубий қўлланма монография илмий мақолалардан ва стат маълумотлардан фойдаланилади;

2. Қора-ола, қизил чўл зотини хўжаликка фойдали белгиларини яхшилайдиган зот деб тан олинган қора-ола ва қизил-ола голштин зотлари тўғрисида маълумотлар йиғиш;

3.Қора-ола зоти билан олиб борилган голштинлаштириш ишларини таҳлил қилиш;

4. Голштин зотларидан фойдаланиб гўшт ва бошқа махсулдорлик кўрсаткичларини яхшилаш борасида мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатларнинг олимлари, чорвадорлари томонидан олинган тажриба маълумотлари билан танишиш, бунинг учун мамлакат, МДХ ва бошқа хорижий давлатларда бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини таҳлил қилиш талаб этилади. Бунда диссертация, диссертация авторефератлари, илмий анжуман маълумотлари, илмий тўпламлар дарслик, ўқув ва услубий қўлланма, тавсияномалар, “Зоотехния”, “Молочное и мясное скотоводство”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, “Сельское хозяйство Узбекистана”, “Зооветеринария” имий ишлаб чиқариш ва “Аграр фан хабарномаси”, “Биология ва тиббиёт муаммолари” каби илмий назарий

журналлардан фойдаланилади. Хар бир илмий иш алоҳида тахлил қилиниб умумлаштирилади:

5. Зотини чатиштириш натижасида олинган дурагайларнинг гўшт махсулдорлик кўрсаткичлари иқтисодий томондан асосланади. Бунда гўшт махсулотини иқтисодий кўрсаткичлари алоҳида ҳисобланади ва тахлил этилади. Ҳисоблаш жараёнида ҳайвон томонидан истеъмол қилинган ем-хашак таннархи, 1 кг махсулот бирлигига сарфланган озука, махсулот таннархи, ялпи даромад, олинган соф фойда ва рентабеллик даражаси каби маълумотлар кўриб чиқилади. Дурагай молларнинг урчитиши иқтисодий кўрсаткичлари, соф зотли тенгдошларининг кўрсаткичлари билан таққосланади.

6. Битирув малакавий ишда ХХІ аср муаммоларидан бири ҳисобланган экология ва ҳаёт фаолияти хавфсиздиги каби масалалар ҳам ёритилади ва тахлил этилади:

7. Битирув малакавий ишини бажариш тартибига биноан илмий-услубий маълумот тахлил қилингандан кейин муаллиф уларга асосланган ҳолда аниқ хулосалар қилади;

8. Аниқ рақамий маълумотлар, далолатли хулосаларга асосланиб қизил чўл зотини чатиштирит йўли билан хўжаликка фойдали белгиларини янада такомиллаштириш ва чатиштиришни айнан қайси зот билан амалга ошириш самарали бўлиши борасида фермер ва деҳқон хўжаликларига ҳамда селекция иши учун мутасадди бўлган давлат ташкилотларига илмий ва амалий жихатдан асосланган тавсия ва таклифлар берилади;

9. Битирув малакавий ишини тайёрлаш давомида, муаллифларнинг исми шарифи, ишни эълон қилинган нашри ва вақти кўрсатилган ҳолда алфавит асосида фойдаланилган адабиётлар рўйхати тузилади;

10. Битирув малакавий ишининг архитекtonикаси ҳаракатдаги низом асосида тузилади. Ишни мазмунига оид булган расм, диаграмма ва статмаълумотлар ва мавзунини ўқитиш технологик харитаси илова тариқасида берилади.

III. АСОСИЙ ҚИСИМ

3.1. Мавзунинг ечими ва ёритилиши

Республикаимиз хўжаликларида урчителиб келаётган қорамол зотлари орасида қора - ола зоти ўзининг сут маҳсулдорлиги ва салмоғи билан этакчи ўринда туради. Ушбу зотнинг айрим хўжалик фойдали белгиларини янада такомиллаштириш мақсадида охириги йилларда жахон генофондига хос голштин зотининг буқалари билан чатиштириш ишлари олиб бориш натижасида деҳқон ва фермер хўжаликларида кўп сонли ҳар хил генотибли дурагай ҳайвонлар олинган.

Голштин қора-ола молларини ҳам бу туркумга киритса бўлади, чунки бу зотларнинг келиб чиқиши умумийдир. Ташқи кўриниши бўйича ҳам уларни фақат мутахассис ажаратиши мумкин.

Юқори сутдорлиги авлодида соф урчитилганда ҳам, бошқа зотлар билан чатиштиришдан олинган дурагайларда ҳам ифодаланади. Ушбу зот голштин қора-ола зоти билан яхшиланмоқда.

Голштин зотли моллар қора - ола ва қизил - ола тусда бўлади. Танаси чўзиқ ва баланд бўйли, сутдорлик белгилари яхши ривожланган, сигирларнинг ўртача тирик вазни 600 - 650 килограмм. Моллар тез етилувчан, мустаҳкам конституцияли, елини яхши ривожланган. Сигирлардан йилига ёғлилиги 3,6 - 3,7 фоизли 7-8 минг килограмм сут соғилиб олинади.

Голштин қора - ола зотли моллар Ўзбекистонда 1985 - 1987 йилларда Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятларининг хўжаликларида жойлаштирилган. Голштин қизил - ола зотнинг уруғи Ўзбекистонга илк бор Хорозм вилоятига 1991 йили келтирилди; қизил зотларга мансуб сигирлар уларнинг уруғи билан қочирилиб, дурагайлар олинди. Бу зотли сигирлар юқори сут маҳсулдорлиги сутнинг ёғлилик даражаси баландлиги (4,1-4,4%) билан тавсифланади. Уларнинг биринчи соғими давридаёқ ёғлилиги 3,9-4,0 фоизли, 3350 - 3400 кг сут соғиб олинди,

иккинчи соғим даврида тегишлича 4,0-4,1 фоиз ёғли 3400 - 3500 кг сут соғиб олинди.

П.Н.Прохоренко, Б.П.Завертяевларнинг (2004) ёзишича, ҳозирги вақтда голштинлашган қора-ола ва голштин зотини дунё бўйича битта популяцияга бирлаштириш масаласи қўйилган. Олинган натижалар шуни кўрсатдики голштин зоти яхшиловчи сифатида кам маҳсулдор пода типларини сут маҳсулдорлигини ўртача 100 кг га кўпайтирган. Европа иттифоқидаги 19,5 млн бош юқори маҳсулдор сигирларнинг ўртача сут соғими 6100 кг ни, жумладан, Швецияда 7852 кг ни ташкил қилган. Россияда бир неча йиллардан буён голштин билан чатиштириш натижасида янги сут йўналишидаги тип ва зот яратиш борасида кенг миқёсда селекция ишлари олиб борилмоқда. Бунга мисол қилиб, қора-олага голштин зотини қонини сингдириш йўли билан яратилган Ленинград типини олиш мумкин. Ушбу типнинг бир лактацияда сут соғими ўртача 9230 кг га етган. Бу эса қора-олага нисбатан 2541 кг кўп демакдир. Ёш молларини ўсиши жадал бўлиб, қора-олага нисбатан 57,6 кг кўп тош босган. Янги тип ҳайвонлари ҳар хил юқумли касалликларга анча чидамли, жадал технологик жараёнга мослашувчан, унинг генеологик таркиби голштин зотини яхши линия ва оилаларини генеологик таркибидан қолишмайди. Уларнинг ҳозирги кунда бир қанча линия ва оилалари яратилган бўлиб, айрим оилаларнинг сут соғими бўйича потенциали 10000 кгдан ошиб кетган.

Қора-ола зотли қорамолларни маҳсулдорлигини такомиллаштирадиган ва улар учун «яхшиловчи» зот деб голштин зоти қабул қилинган. Шимолий Америкада яратилган ва дунёга маҳсулдорлик хусусиятлари билан машҳур бўлган голштин зотли моллар сут йўналишидаги тана тузилишга эга. Ушбу зот АҚШ ва Канадада сон жиҳатидан сут йўналишидаги зотлар ичида биринчи ўринда туради. Уларда сутдорлик белгилари яхши ривожланган. Назорат подаларида бўлган сигирларнинг сутдорлик миқдори 5500-6000 килограмм ва ёғлилик даражаси 3,6-3,7 фоизга тенг. Маҳсулдорлиги бўйича рекордчи ҳисобланган сигирлар 20-25 минг килограммгача сут беради ёки, бу

кўрсаткични сут ёғига айлантирилганда 700-730 килограммни ташкил қилади. Сигирларнинг ҳаёти давомида берган сут миқдори 130-135 минг килограммгача бўлган ва энг юқори кунлик сут соғими 100 килограммдан ошган (У.Н.Носиров, 2001, 2002).

Умуман олганда голштин зоти сут маҳсулдорлиги бўйича қора-ола зотли моллар ичида тан олинган ҳамда бошқа давлатларга яхшиловчи зот сифатида кўплаб тарқалган. Зотнинг гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифати ҳам бошқа қора-ола зотларидан устун туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қора-ола зотли сигирларни голштин буқалари билан чатиштириш ишларини фақат юқори маҳсулдорли подаларда ва озиклантириш меъёри юқори бўлган хўжаликларда ўтказиш тавсия этилган. Акс ҳолда чатиштириш самара бермайди ва аксинча салбий натижаларга олиб келади.

МДХ давлатларида ва Ўзбекистонда голштин зотини қора-ола ва бошқа сутбоп зотларини, сут маҳсулдорлигини яхшилаш борасида қилинган тадқиқотлар атрофлича таҳлил қилинган.

Ш.А.Акмалхонов (1993), Э.Ю.Карчевский (1984, 1985 ва М.Э.Ашировлар (1994) ўзларининг илмий мактаби билан кейинги йилларда Ўзбекистонда қора-ола зотини голштин зоти билан қон сингдириш усулида чатиштириш ишларини олиб бориб, яхшиланувчи қора-ола зотини сут маҳсулдорлигини такомиллаштириш борасида ижобий натижаларга эришишган. Лекин ҳар хил генотипли чатишма ҳайвонларни гўшт маҳсулдорлиги тўғрисида маълумотлар деярли кам ўрганилган. Шунинг учун ҳам биз куйида голштин зоти билан олинган чатишма ҳайвонларни айнан сўйим кўрсаткичлари ва гўшт маҳсулдорлигини таҳлил қилишни мақсад қилдик.

А.Қаҳаров, Ш.Каримов, А.Хушвақтов (2008), генетик келиб чиқиши ҳар хил бўлган қора-ола зотига мансуб буқаларнинг гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш мақсадида 2003-2006 йиллар давомида Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманидаги «Чорва-барака» хўжалигида зоти, зотдорлиги, жинси,

тирик вазни бир-бирига ўхшаш бўлган 3 ойлик эркак бузоқлар танлаб олинди. I-гурухга соф зотли қора-ола, II-гурухга қора-ола зотли сизирларни голштин зоти буқаси билан чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин 3-гурухда эса иккинчи бўғин авлодларига мансуб бузоқлар киритилган.

Тажрибадаги бузоқлар хўжаликнинг ўзида етиштирилган озуқалардан тузилган рацион асосида жадал озиқлантирилган. I - гурух буқачаларига 12 ойлигигача 3698,0 озиқа бирлиги берилган. Бу уларнинг II - гурухдаги тенгқурларига берилган озуқа бирлигидан 32,1 ва III - гурухга берилган озуқа бирлигидан эса 115,0 кг камдир.

Қорамоллар гўшт маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан бири уларнинг тирик вазнидир. Шунинг эътиборга олган ҳолда тажрибадаги ҳайвонларнинг тирик вазни ошиши ҳар бир ўсиш даври бўйича ўрганган.

1-жадвал

Тажрибадаги буқалар тирик вазнининг ўзгариши, кг ($X \pm S_x$)

Ўши, ой ҳисобида	№	Гуруҳлар		
		I	II	III
3 ойлик	10	78,2±2,3	81,9±2,2	85,0±3,0
6 ойлик	10	128,7±2,1	137,0±1,6	141,0±3,9
9 ойлик	10	172,0±2,6	187,0±1,5	194,2±2,9
12 ойлик	10	232,0±1,7	255,0±2,4	263,2±2,2
15 ойлик	10	304,0±2,5	335,1±2,0	346,0±2,3
18 ойлик	10	390,0±3,6	423,1±1,3	437,2±2,4
21 ойлик	5	464,3±3,8	506,1±5,4	521,7±3,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳар хил генотипли 3 ойлик бузоқлар тирик вазнининг фарқи унча катта эмас. Соф зотли қора - ола бузоқлар бу кўрсаткич бўйича биринчи ва иккинчи бўғин чатишма тенгқурларидан тегишлича 3,7 кг (4,7 %) ва 6,8 кг (8,7 %) орқада қолишган.

Кейинги ўсиш даврида голштин зотининг қон улуши кўп бўлган. III-гуруҳ буқалари жадал ўсишган. Айтайлик 6 ойликда тирик вазн бўйича фарк улар фойдасига 8,3 (5,0 %) ва 12,3 кг (9,6 %) ни ташкил этди. Тажриба охирида, яъни 21 ойлигида III - гуруҳдаги чатишма буқаларнинг тирик вазни 521,7 килограммга етиб, бу борада I - гуруҳ тенгқурларига нисбатан 57,0 кг ёки 12,3 % ва II - гуруҳдаги тенгқурларидан эса 15,2 кг ёки 3,0 % устунлик қилишган.

Муаллифлар томонидан илмий - тадқиқот иши услубига биноан тажрибадаги буқаларни 21 - ойлигида ҳар гуруҳдан 5 бошдан сўйилиб, уларнинг гўшт маҳсулдорлиги ўрганилган.

2-жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларнинг гўшт маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Сўйишдан олдинги тирик вазни, кг	462,5±2,1	503,0±5,1	518,5±3,9
Нимталанган гўшт оғирлиги, кг	247,9±2,4	270,6±4,4	285,7±5,2
Ички ёғ оғирлиги, кг	21,4±0,18	20,6±0,01	23,9±0,04
Сўйим оғирлиги	269,9±4,11	291,2±5,11	309,6±7,1
Сўйим чиқими, %	58,8±0,46	57,9±0,43	59,7±0,62

2-жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриниб турибдики, III гуруҳдаги сўйилган буқалар барча кўрсаткичлари бўйича, яъни сўйим олди тирик вазни, сўйим оғирлиги ва сўйим чиқими бўйича ўз тенгқурлари II ва I гуруҳ буқачалардан тегишлича 15,5 кг, 56,0 кг; 18,4; 39,7 кг; 1,8 ва 0,9% га устун бўлишган. Илмий тадқиқот ишлари шундан далолат берадики, Зарафшон

воҳаси шароитида қора-ола зоти ва уни голштин зоти билан чатиштириш натижасида олинган ҳар хил генотипли чатишма авлодлари жадал усулда боқиб бўрдоқиланганда юқори тирик вазнга эга бўлиб, сифатли гўшт етиштириш самарадорлиги ошар экан.

М.К.Нарбаеванинг (2012) тажрибаларида Сурхандарё вилояти, Қумқўрғон тумани “Чорвадор” фермер хўжалигининг қорамолчилик фермасида қора-ола, голштин зотлари ва уларни чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин голштинлаштирилган буқачаларининг ўсиш ва ривожланиши, гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш мақсадида 18 ва 21 ойликда назорат сўйим ташкил қилинган ҳамда сўйишдан олдинги тирик вазн, нимталанмаган гўшт, ички ёғ, сўйим оғирлиги ва уларнинг нисбий кўрсаткичларини ҳисобга олган. Ушбу кўрсаткичлар 3 - жадвалда келтирилган.

3- жадвал

Тажрибадаги буқачаларнинг сўйим кўрсаткичлари, ($X \pm S_x$), $n=5$

Кўрсаткичлар	Ёши, ойлар ҳисобида					
	18 ойлик			21 ойлик		
	Гуруҳлар			Гуруҳлар		
	I	II	III	I	II	III
Сўйишдан олдинги тирик вазни, кг	380,6±0,55	398,4±0,45	409,4±0,43	461,0±0,99	479,1±0,51	495,2±1,0
Нимталанмаган гўшт оғирлиги, кг	203,2±0,50	214,7±0,42	219,8±0,42	252,2±1,0	265,4±0,49	273,3±0,93
Ички ёғ оғирлиги, кг	14,8±0,55	16,3±0,85	17,2±0,29	19,8±0,87	21,1±0,37	21,8±0,49
Сўйим оғирлиги, кг	218,0±1,0	231,0±1,2	237,0±0,70	272,0±1,7	286,5±0,85	295,1±1,1
Нимталанмаган гўшт чиқими, %	53,4	53,9	53,7	54,7	55,4	55,2
Ички ёғ чиқими, %	3,9	4,1	4,2	4,3	4,4	4,4
Сўйим чиқими, %	57,3	58,0	57,9	59,0	59,8	59,6

Юқорида баён қилинган 3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўйишдан олдинги тирик вазн бўйича 18 ойликда III - гуруҳ буқачалари ўз тенгқурлари, I ва II - гуруҳлардан тегишлича 28,8 кг ($P<0,05$) ва 11,1 кг ($P>0,05$) зиёд кўрсаткичга эришишган. Бу кўрсаткич бўйича I ва II-гуруҳларнинг фарқи охиргиси фойдасига 17,7 кг ($P<0,05$) ни ташкил қилган.

Нимталанмаган гўшт оғирлиги, III-гуруҳда 219,8 кг га тенг бўлиб, I-гуруҳдан 16,6 кг ($P<0,05$), II-гуруҳдан эса 5,1 кг ($P>0,05$) ортиқ бўлган. Ички ёғ ва сўйим оғирлиги бўйича фарқ шунга мос равишда 2,4 кг ($P>0,05$), 0,9 кг ($P>0,05$), ва 19,0 кг ($P<0,01$), 6,0 кг ($P>0,05$) га тенгдир.

Мутлоқ кўрсаткичлар бўйича фарқ мутаносиб равишда нисбий кўрсаткичларда ҳам ўз аксини топган. Бу ерда ҳам V-гуруҳ хайвонлари оралиқ ўринни эгаллашган.

Тажрибанинг 21 ойлигида ўтказилган назорат сўйими ҳам соф зотлиларга қараганда чатишма авлодлардан кўп гўшт олинганлигини кўрсатган. Жумладан, 18 ойликка нисбатан нимталанмаган гўшт миқдори 21 ойликда гуруҳларда шунга мос равишда: 49,0 кг ($P<0,01$) ёки 24,1 % , 50,7 кг ($P<0,01$), ёки 23,6 ва 53,5 кг ($P<0,01$) ёки 24,3 % кўп бўлган. Гуруҳлараро солиштирилганда III - гуруҳ буқачалари, ўз тенгқурлари I ва II- гуруҳларни тегишлича 21,1 кг ($P<0,01$) ёки 8,4 % ва 7,9 кг ($P<0,05$) ёки 2,5 % орқада қолдиришган. Нимталанмаган гўшт оғирлиги бўйича I ва II- гуруҳларнинг фарқи охиргиси фойдасига 13,2 кг ($P<0,05$), ёки 5,2 % ни ташкил этган.

Маълумки, қорамолларда ёшининг ошиб бориши билан мускул тўқималарнинг ўсиши секинлашиб, аксинча ёғ тўқималарининг ўсиши жадаллашади. Буни бизнинг тажрибамиз маълумотларидан ҳам билса бўлади. 18 ойликдаги буқачаларга нисбатан 21 ойликдаги буқачаларда ички ёғ оғирлиги гуруҳларда мутаносиб тарзда: 5,0 кг ёки 33,8 %, 4,8 кг ёки 29,1 % ва 4,6 кг ёки 26,7 % га кўпайган. Кўриниб турибдики, ёғ тўқималарининг ўсиш жадаллиги соф зотли буқачаларда биров устун бўлган.

Букачаларнинг гўшт маҳсулдорлигига қараб баҳолаганда, уларнинг сўйим оғирлиги асосий кўрсаткич ҳисобланади. Тажрибада сўйим оғирлиги ёш бўйича ўзгариб борган ва 21 ойликда, 18 ойликка нисбатан гуруҳларда тегишлича: 54,0 кг ($P<0,01$), ёки 24,8 %, 55,5 кг ($P<0,01$) ёки 24,0 % ва 58,1 кг ($P<0,01$) ёки 24,5 % га кўпайган. Бу кўрсаткич бўйича ҳам III-гуруҳ голштинлашган дурагай букачалари, ўз тенгқурлари I ва II- гуруҳларни мос равишда 23,1 кг ($P<0,01$), ёки 8,4 % ($P<0,05$) ва 8,6 кг ёки 3,0 % орқада қолдиришган. I ва II- гуруҳларнинг фарқи охиргиси фойдасига 14,5 кг ($P<0,05$), ёки 5,3 % ни ташкил қилган. Сўйим чиқими бўйича ҳам устунлик 21 ойликдаги назорат сўйимда кузатилган ва 59,0 - 59,6 фоиз оралиғида бўлган.

Шундай қилиб, сут йўналишидаги зотларга мансуб қора-ола, голштин ҳамда уларни ўзаро чатиштиришдан олинган чатишма букачаларни жадал усулда бокқанда юқори оғирликка эга бўлган гўшт маҳсулотлари олинган. Бунда чатишма авлодлар устунлик қилишган. Бу эса уларда оз бўлсада гетерозис ходисаси намоён бўлганлигидан далолат беради.

Голштин зотининг наслидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимизнинг турли иқлим шароитида нафақат МДХ мамлакатларидадан, балки Германия, Исроил АҚШ, Голландия ва бошқа кўпгина мамлакатлардан ушбу зотнинг катта дозадаги уруғи, кўп ҳолларда эса урғочи таналар, ғуножинлар ва насли буқалар сотиб олиб келинмоқда. Бу тадбир айниқса Республика Президентининг 2006 йилдаги 308- ва 2008 йилдаги 842 - сонли қарорларидан кейин кенг қулоқ ёйди. Шуниси қувончлики импорт натижасида келган ҳайвонлар орасида маҳсулдорлиги билан машҳур бўлган тизим ва оила авлодлари ҳам мавжуд. Дунё олимларининг берган маълумотларига асосан голштин зоти ҳақиқатдан ҳам самарали зот ҳисобланади.

Интернет маълумотларига кўра дунё генофондини сермахсул вакилларида бири голштин зотидан, қора-ола зотли ҳайвонларни хўжалик фойдали белгиларини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ

бўлади. Чунки уларни соф ҳолда урчитганда юқори озиқа шароити талаб қилинади. Чатишма ҳайвонларда эса қора-оладан маҳаллий шароитга мослашиш хусусияти ирсийланган бўлиб, Москва вилоятида янги қорамол типи яратиш имконини беради. Голштин зотини маҳсулдорлигини ирсийланиши бўйича машҳурлиги тўғрисида иккиланиш бўлиши мумкин эмас. 1985 йилда Кубада бир кунда 110,9 кг ва 364 кунлик лактация даврида берган сути 27674 кг ни, ёки ёғ чиқими 1051 кг ни ташкил этган Убре Бланк лақабли сигир ҳам айнан чатишма сигир бўлиб, унинг қон улушини $\frac{3}{4}$ голштин ва $\frac{1}{4}$ зебу ташкил қилган. Америкада бир лактацияда умр бўйи тегишлича 1912 ва 7153 кг сут ёғини берган Бризвуд Пэтси Барпontiак ҳамда Канадада 17 та лактацияда 189 тонна сут берган 289 рақамли сигир ҳам айнан ана шу голштин зотининг вакиллари бўлган.

А.Балаш ва бошқаларнинг (1994) ёзишича, голштинофриз зоти дунё бўйича аниқ бир дастур асосида урчитилиб келмоқда. Ушбу зот ҳар хил экологик шароитда тез мослашади, сигирларини конституцияси мустаҳкам, енгил, улар асов эмас инсонга тез ўрганади, шунинг учун 80-150 бош қилиб бир гуруҳда сақлашга яхши натижа беради. Голштинларни урғочи таналари 15 ойлигида 350-380 кг тирик взнга эга бўлади. Айнан шу вақтда уларни сунъий уруғлантириш мақсадга мувофиқдир. Бу зот сигирларини асосий қисми инсон ёрдамисиз туғади. Америка олимларининг маълумотларига қараганда жами туғиш жараёнидан 90-91% туғиш «енгил туғиш» га киради. Голштин зоти озиқани яхши истеъмол қилади, чиқим деярли бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларни иқтисодий кўрсаткичлари бошқа зотларникига нисбатан 15-20% кўп бўлади. Ҳозирги вақтда бу зот икки тусда қора-ола ва қизил-ола ҳолида урчитилади. Қора-ола қизил-олага нисбатан рецессив белги ҳисобланади. Венгрияда узоқ йиллардан эътиборан симментал, венгер қора-оласини голштин билан чатиштириш натижасида «Венгер голштино-фриз зоти» яратилган. Ушбу зотни гўшт маҳсулдорлиги чатиштириш учун асос қилиб олинган, зотдан 8-12% кўплиги аниқланган.

Гўшт маҳсулдорлигини шаклланиш хусусиятларини билиш ҳайвонларнинг онтогенезини у ёки бу босқичда организмни ривожланишини бошқариш имкониятини берибгина қолмай, балки уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва қорамол гўштининг тўйимлилиқ қийматини яхшилашга имкон яратади.

Қорамолларнинг гўштининг сифатини нофақат аниқ бир мақсад билан олиб бориладиган танлаш ва саралаш йули билан балки зотлараро саноат чатиштириши билан ҳам яхшилаш мумкин. Айниқса сут ва сут-гўшт йуналишидаги зотларни сигирларини махсус гўшт йуналишидаги буқалар билан чатиштириш диққатга сазовордир. Дурагай ҳайвонлардан олинган гўшт тўлиқлиги, мускул тўқималарга бойлиги ва ёғлиги билан характерланади, бу фикрини тоза зотлилар тўғрисида айтиш мумкин.

Гўштдаги, мускул, ёғ, суяк туқималарининг нисбатини ёш ўтиши билан ўзгариши муҳим аҳамият касб этади ва катта қизиқиш уйғотади.

Мускул туқималари қорамолларда ҳар хил омиллар 50 дан 64 фоизгача таъсирида бўлади. Гўштининг морфологик таркибига ҳайвонларнинг семизлилиқ даражаси таъсир этади. Лаҳм гўшт, майдаланмаган гўштга фоиз ҳисобида ўрта семизликдан паст даражали молларда; - 60, ўрта семизликларда - 59,7, ўртадан юқори семизликдагиларда - 56,6 ва ёғли даражада -52,1 фоизни ташкил этади. Семизлилиқ даражаси ошиши билан майдаланмаган гўштда ёғ кўпаяди ва мускул туқималари биров камаяди.

Майдаланмаган гўшдаги мускул ва ёғ туқималарининг нисбатини ўзгаришига яна бир генетик омил ҳайвонларни ёши ҳам таъсир этмай қолмайди.

Шуларни эътиборга олган ҳолда Тошпўлатов Б. Ж. ўз тадқиқотларида Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани қорамолчиликка ихтисослашган «Тошпўлатов Баҳодир Жўраниёзович» фермер хўжалиги шароитида соф зотли қора-ола (1-гуруҳга), $\frac{1}{2}$ қора-ола х $\frac{1}{2}$ голштин (2-гуруҳ) ва $\frac{1}{2}$ қора-ола х $\frac{3}{4}$ голштин (3-гуруҳ) турли генотипли чатишма буқачаларнинг сўйим кўрсаткичлари, гўшт маҳсулдорлиги, унинг шаклланиш хусусиятлари

гўштнинг сифат кўрсаткичлари туғилганда, кейинчалик 6, 18, 19,5 ва 21 ойлигида назорат сўйим ўтказиш йўли билан тажрибалар ўтказган.

Тажрибадаги букачаларнинг гўшт маҳсулдорлигини ва унинг шаклланишини ўрганиш мақсадида онтогенезининг турли даврларида назорат сўйим ўтказган. Сўйим кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал таҳлилидан кўриниб турибдики, генетик келиб чиқишидан катъий назар, барча гуруҳлардаги букачалар юқори сўйим кўрсаткичларига эришишган ва бунда III гуруҳдаги букачалар устун бўлишган. I гуруҳдаги соф зотли қора-ола пастроқ кўрсаткич берган. Айтайлик туғилган вақтида ўтказилган сўйимда III гуруҳ букачаларини нимталанмаган гўшт маҳсулоти 17,90 кг бўлиб, I гуруҳдан 1,70 кг ($p<0,05$) ёки 10,5 % зиёд тош босишган.

4- жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларнинг сўйим кўрсаткичлари, ($X \pm S_x$) ($n=3$)

Кўрсаткичлар	Г у р у х л а р		
	I	II	III
Туғилганда			
Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг	30,0 $\pm$ 0,3	32,5 $\pm$ 0,5	32,9 $\pm$ 0,4
Нимталанмаган гўшт оғирлиги, кг	16,20 $\pm$ 0,1	17,6 $\pm$ 0,1	17,90 $\pm$ 0,4
Ички ёғ оғирлиги, кг	0,18 $\pm$ 0,01	0,19 $\pm$ 0,01	0,21 $\pm$ 0,01
Сўйим оғирлиги, кг	16,38 $\pm$ 0,3	17,79 $\pm$ 0,1	18,11 $\pm$ 0,2
Тери оғирлиги, кг	2,19 $\pm$ 0,01	2,37 $\pm$ 0,01	2,40 $\pm$,001
Нимталанмаган гўшт чиқими, %	54,0 $\pm$ 0,9	54,2 $\pm$ 0,6	54,4 $\pm$ 0,6
Сўйим чиқими, %	54,6 $\pm$ 0,4	54,7 $\pm$ 0,4	55,0 $\pm$ 0,7
6 ойлигида			
Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг	118,0 $\pm$ 2,1	125,5 $\pm$ 1,1	133,4 $\pm$ 1,5
Нимталанмаган гўшт оғирлиги, кг	62,5 $\pm$ 2,1	67,8 $\pm$ 1,9	72.3 $\pm$ 1,4
Ички ёғ оғирлиги, кг	2,8 $\pm$ 0,1	3,1 $\pm$ 0,2	3,2 $\pm$ 0,2

Сўйим оғирлиги, кг	65,3±1,0	70,9±0,8	75,5±0,4
Тери оғирлиги, кг	8,6±0,1	9,5±0,1	10,4±0,3
Нимталанмаган гўшт чиқими, %	53,0±0,2	54,0±0,3	54,2±0,2
Сўйим чиқими, %	55,3±0,1	56,5±0,1	56,6±0,3
18 ойлигида			
Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг	381,6±4,1	416,0±3,1	428,3±3,5
Нимталанмаган гўшт оғирлиги, кг	205,3±2,1	226,3±3,1	233,4±2,8
Ички ёғ оғирлиги, кг	15,3±0,02	16,5±0,01	16,8±0,04
Сўйим оғирлиги, кг	220,6±3,1	242,8±1,9	250,2±1,7
Тери оғирлиги, кг	27,8±0,1	30,4±0,1	31,7±0,2
Нимталанмаган гўшт чиқими, %	53,8±0,1	54,4±0,1	54,5±0,1
Сўйим чиқими, %	57,8±0,1	58,4±0,1	58,4±0,1
21 ойлигида			
Сўйишдан олдинги тирик вазн, кг	457,1±4,8	498,9±5,7	517,0±4,4
Нимталанмаган гўшт оғирлиги, кг	246,4±2,5	274,9±2,7	286,4±2,9
Ички ёғ оғирлиги, кг	19,1±0,1	18,7±0,1	20,4±0,1
Сўйим оғирлиги, кг	265,5±2,8	293,6±2,7	306,8±4,1
Тери оғирлиги, кг	31,5±0,1	33,7±0,1	35,6±0,1
Нимталанмаган гўшт чиқими, %	53,9±0,2	55,1±0,2	55,4±0,1
Сўйим чиқими, %	58,1±0,1	58,8±0,1	59,3±0,1

Сўйим оғирлиги бўйича фарқ охиргиси фойдасига 1,73 кг ($p<0,05$) ёки 10,6 % ни ташкил этган. Тери оғирлиги бўйича сезиларли фарқ аниқланмаган, сўйим чиқими гуруҳларда тегишлича 54,6; 54,7 ва 55,0 фоизга тенг бўлган. 6 ойликда ҳам сўйим кўрсаткичлари бўйича III гуруҳ ҳайвонлари устун бўлишган.

Сўйишдан олдинги тирик вазн бўйича улар ўзининг I ва II гуруҳлардаги тенгқурларини мос равишда 15,4 кг ($p<0,05$) ёки 13,1 % ва 7,9

кг ($p < 0,05$) ёки 6,3 % орқада қолдиришган. Шунга мутаносиб равишда нимталанмаган гўшт, сўйим ва тери оғирлиги бўйича фарқ 8,9 кг ($p < 0,01$) ёки 14,2 % ва 3,6 кг ($p < 0,05$) ёки 5,3 %, 10,2 кг ($p < 0,01$) ёки 15,6 % ва 4,6 кг ($p < 0,05$) ёки 6,8 %, 1,8 кг ($p < 0,05$) ёки 20,9 % ва 0,9 кг ($p < 0,05$) ёки 9,5% га тенг бўлган.

Тажрибанинг кейинги давларида, яъни ҳайвонларни 18 ва 21 ойликларида ўтказилган назорат сўйими ҳам голштин зоти бўйича қон улуши 75% бўлган чатишма буқачаларни устунлигини кўрсатган. Мисол учун 18 ойликда сўйишдан олдинги тирик вазн уларда 428,3 кг ни ташкил қилган, бу эса ўз тенгқурлари I гуруҳдан 46,7 кг ($p < 0,01$) ёки 12,2% ва II гуруҳдан эса 12,3 кг ($p < 0,05$) ёки 3,0 % кўпдир. I-II гуруҳлар орасидаги фарқ охиргиси фойдасига 34,4 кг ($p < 0,01$) ёки 9,0 % ни ташкил қилган. Нимталанмаган гўшт оғирлиги III гуруҳдаги чатишма ҳайвонларда 233,4 кг бўлган, бу эса I га қараганда 28,1 кг ($p < 0,01$) ёки 13,7 % II га қараганда эса 7,1 кг ($p < 0,01$) ёки 3,1 % кўп демакдир. Ички ёғ оғирлиги бўйича сезиларли даражада гуруҳлараро фарқ кузатилмаган.

Сўйим оғирлиги III гуруҳда 250,2 кг ни ташкил қилган. Бу кўрсаткич бўйича улар, I ва II гуруҳлардаги тенгқурларини тегишли равишда 29,6 кг ($p < 0,05$) ёки 3,0 % орқада қолдирган. II гуруҳдаги чатишма ҳайвонлар I гуруҳдаги соф зотли тенгқурларидан 22,2 кг ($p < 0,01$) ёки 10,1 % узиб кетишган. Тери оғирлиги бўйича фарқ шунга мос равишда 3,9 кг ($p < 0,05$) ёки 14,0 % ва 1,3 кг ($p < 0,05$) ёки 4,3% ни ташкил қилган.

Тажриба охирида, яъни 21 ойликда ўтказилган назорат сўйими ҳам тажрибалардаги ҳайвонлардан тўла қийматли ва сифатли гўшт олинганлигидан далолат берган. Сўйишдан олдинги тирик вазн I гуруҳ ҳайвонларида 457,1 кг бўлган, бу эса чатишма тенгқурлари II ва III гуруҳдан мос равишда 41,8 кг ($p < 0,01$) ёки 9,1 % ва 59,9 кг ($p < 0,01$) ёки 13,1 % камдир. Нимталанмаган гўшт, сўйим оғирилиги, тери оғирлиги шунга мос равишда 246,4; 265,5 ва 31,5 кг бўлиб, фарқ мутаносиб равишда 28,5 кг ($p < 0,01$) ёки 11,6%, 40,0 кг ($p < 0,01$) ёки 16,3 %, 28,1 кг ($p < 0,05$) ёки 10,6 %, 28,1 кг ($p < 0,05$) ёки 10,6 %, 28,1 кг ($p < 0,05$) ёки 10,6 %

41,3 кг ($p<0,01$) ёки 15,6%, 2,2 кг ($p<0,05$) ёки 6,9 % ва 4,1 кг ($p<0,01$) ёки 13,0 % га тенгдир. Бу ёшда III гуруҳдаги букачалар, II гуруҳдаги тенгқурларини сўйишдан олдинги тирик вазн, нимталанмаган гўшт оғирлиги, ички ёғ оғирлиги, сўйим оғирлиги ва терининг оғирлиги бўйича шунга мос тарзда 18,1 кг ($p<0,05$) ёки 3,6 %, 11,5 кг ($p<0,05$) ёки 4,2 %, 1,7 кг ($p<0,05$) ёки 9,1%, 13,2 кг ($p<0,05$) ёки 4,5% ва 1,9 кг ($p<0,05$) ёки 5,6 % га орқада қолдиришган.

Б.Абдалниёзовнинг маълумотларига кўра Хоразм вилоятида қизил чўл молининг англери, дания қизил ва голштин қизил-ола зотлари билан ўтказилган чатиштириш дурагай сигирларнинг сут махсулдорлиги ва сут сут ёғлилигининг бирмунча ошишига олиб келди. Дурагай моллар орасида 50 % қондош голштин қизил ола молларидан энг кўп миқдорда сут соғиб олинди:- соф қизил чўл сигирларидан 647 кг (21,1 %), 50% англери зоти бўйича қондошлардан 237 кг (9,2%), 50 % дания қизил зоти бўйича қондошлардан 639 кг (21 %) сут зиёд соғилган.

Юқори махсулдорлик ҳисобига дурагай молни сақлаш катта иқтисодий самара беришлиги қуйидаги жадвалда келтирилган.

5- жадвал.

Дурагай молни урчитишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Кўрсаткичлар	Қизил чўл соф зотли	Қондош дурагайлар		
		50 % англери бўйича	50% дания қизил бўйича	50 % голштин қизил зоти бўйича
Бузоқнинг 12 ойликдаги тирик вазни, кг	217,0	228,0	225,0	239,0
Гўшт етиштиришдан келган даромат (тирик вазнда) сум	6944	7296	7200	7648
Бир сигирдан соғим даврда базис ёғлилиқда соғиб олинган сут, кг	2406	2806	2414	2656
Сут сотишдан келган даромад, сўм	18045	21120	18105	27420

Умумий даромад, сўм	24989	28416	25305	35068
Бир бошга кетган жами сарф, сўм	24078	24078	24078	24078
Соф фойда, сўм	911,0	4338	1227	10990
Соф қизил чўл зотига нисбатан, ± сўм.	-	+3427	+316	+10079

Жадвал тахлили шуни кўрсатадики гўшт етиштиришда ҳам умумий даромад олишда ҳам голштинлаштирилган қизил чўл зоти моллари 7648 сўм, 35068 сўм даромад келтириб хўжаликда урчитилаётган соф қизил чўл ҳамда бошқа дурагайлардан бир мунча устун эканлигини исботлаган.

Бир хил шароитда асралаётган ҳар бир бош дурагай сигирларни сақлашдан соф қизил чўл молларидан 50 % англес зоти бўйича 3427 сўм, 50% дания қизил зоти бўйича қондошлар 316 сўм, 50 % голштин бўйича қондошлар 10 079 сўм зиёд даромад қилинган.

Голштин зоти шароитга яхши мослашиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Дунёнинг ҳар хил табиий иқлим минтақаларидаги генетик ўзгарувчанлик ва сермахсулдорликни сақланишига гувоҳ бўлди.

3.2. Голштинлаштиришнинг зоотехникавий ва иқтисодий самарадорлиги

Битирув малакавий ишнинг мавзуси голштин зотидан фойдаланиб гўшти ишлаб чиқаришдаги самарадорликни аниқлашга қаратилгани боис, ушбу масалани ижтимоий ҳаётдаги ўрни тўғрисида маълумотга эга бўлиш муҳим ҳисобланади. Аниқланган кўрсаткичлар ва бугунги кунда амалдаги физиологик меъёр бўйича ҳар бир инсон бир йилда 82- 84 кг гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиши лозим. Агарда бу кўрсаткични бизнинг Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган гўштни 70 фоизига яқинини қорамол гўшти ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак меъёрдаги гўштни 57,4 – 58,8 фоизини қорамол гўшти ташкил этар экан. Бошқача қилиб айтганда аҳоли жон бошига бир йилда истеъмол учун 57,4 – 58,8 кг қорамол гўшти

тўғри келади, буни аҳоли жон бошига ҳисобласак 1,5 – 1,6 млн. тоннани ташкил қилади. Демак, эҳтиёж даражасига етиш учун деярли яна 1 млн. тонна гўшт қўшимча ишлаб чиқариши лозим, чунки бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган қорамол гўшти 0,6 – 0,8 млн.тоннадан ошмайди.

Ишлаб чиқарилаётган жами қорамол гўштининг 60 - 65 фоизи сутбоп зотлардан олинаётганини эътиборга олсак қора-ола зотининг қорамол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтиришдаги ўрни қанчалик катта эканлигини тушуниш қийин эмас.

Ўзбекистонда урчитилаётган режали қорамол зотлари орасида, ўзининг бош сони ва сигирларининг сут махсулдорлиги жихатдан қора-ола зоти биринчи ўринда туради. Аммо, ушбу зот ҳам айрим хўжалик фойдали белгиларини яхшиланишига мухтож. Бу зоотехникавий, селекцион, ташкилий ва биологик тадбир жаҳон генофондига хос голштин зотли букалардан самарали фойдаланиш орқали амалга оширилмоқда. Бу борада республикаимизнинг кўпгина худудларида Ш.А.Акмалхонов,У.Н.Носиров, Э.Ю.Карчевский, М.Аширов, А.К.Кахаров, Б.О.Абдалниёзов ва бошқалар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларини мисол қилиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, қорамолларнинг зоти ва ёшига қараб ёғ, мускул ва суяк тўқмаларнинг ўзгариши фарқланади. Айтайлик сутбоп зотлар, махсус гўшт йўналишидаги зотларга нисбатан, катта ёшдаги қорамоллар эса, ёш ҳайвонларга нисбатан кўп ички ёғ тўплайди, чунки ёш ортган сари мускул тўқмаларнинг ўсиш жадаллиги сусаяди, аксинча ёғ тўқмаларининг ўсиш жадаллиги ортади. Шунинг учун жохон чорвачилик амалиётида иложи борича қорамолларни гўштга 15 - 18 ойлигигача боқилади ва шу ойларда сўйилади.

А.Кахаров, М.Нарбаеванинг (2011) Сурхандарё вилояти, Қумқўрғон тумани “Чорвадор” фермер хўжалигининг қорамолчилик фермасида қора-ола, голштин зотлари ва уларни чатиштириш натижасида олинган биринчи бўғин голштинлаштирилган букачаларининг ўсиш ва ривожланиши, сут ва

гўшт маҳсулдорлигини ўрганиш мақсадида ўтказган тадқиқотларининг иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, жами сарфланган харажатларнинг 70 % ни айнан озуқа харажати ташкил қилган. Сарф харажатларнинг қиймати бўйича сезиларли даражада фарқ аниқланмаган ва гуруҳларда шунга мос равиш 955,0- 1219,7; 953,6 -1220,7; 960,0 – 1229,0 минг сўмга тенг бўлган.

6- жадвал.

Тажрибадаги буқачаларнинг иқтисодий кўрсаткичлари (ўртача бир бошга).

Кўрсаткичлар	Г у р у х л а р					
	IV		V		VI	
	18	21	18	21	18	21
Тажриба давомидида олинган қўшимча вазн, кг	307,3	387,4	315,6	399,1	327,3	413,6
Тажриба давомидида сарфланган ем-хашак, озиқа бирлиги	2906,6	3712,2	2902,2	3715,2	2921,9	3740,5
Тажриба давомидида сарфланган барча харажатлар, минг сўм	955,0	1219,7	953,6	1220,7	960,0	1229,0
Шу жумладан: озиқа харажати, минг сўм	668,5	853,8	667,5	854,5	672,0	860,3
1 ц тирик вазннинг таннарихи, минг сўм	310,8	314,8	302,2	306,0	305,5	297,1
1 бош буқачаларни сотишдан олинган жами даромад, минг сўм	1321,4	1665,8	1357,1	1716,1	1407,4	1778,5
Олинган соф фойда, минг сўм	366,4	446,8	403,5	495,4	447,4	549,5
Рентабеллик даражаси, %	38,4	36,6	42,3	40,6	46,6	44,7

6- жадвалда қорамол гўшти олиш учун боқилган, парваришланган ва бўрдоқиланган ҳар хил генотипли буқачаларнинг иқтисодий кўрсаткичлари

келтирилган. Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, деярли барча озиқалар хўжаликнинг ўзида ишлаб чиқарилганлиги сабабли, озиқа таннари анча паст бўлган ва 1 кг озиқа бирлиги ўртача 230 сўмни ташкил қилган.

18 ва 21 ойликда 1 ц тирик вазнининг таннари, IV- гуруҳдаги букачаларда 310,8 ва 314,8 минг сўм бўлиб, ўз тенгқурлари V, VI – гуруҳлардаги букачаларнинг кўрсаткичидан тегишлича: 8,6 минг сўм ёки 2,8 фоиз ва 8,8 минг сўм ёки 2,9 фоиз ҳамда 5,3 минг сўм ёки 1,7 фоиз ва 17,7 минг сўм ёки 6,0 фоиз кўп бўлган. Хўжаликда 1 кг тирик вазнининг харид нари 4300 сўм бўлган. Шунинг учун ҳам, 1 бош 21 ойлик букачани сотишдан олинган жами даромад VI- гуруҳ букачаларида 1778,5 минг бўлиб, ўз тенгқурлари IV ва V- гуруҳдан шунга мос равишда: 112,7 минг сўм ёки 6,8 фоиз ва 62,7 минг сўм ёки 3,6 фоиз кўпдир. Олинган соф фойда бўйича, гуруҳлараро фарқ охиргиси фойдасига мутаносиб равишда: 102,7 минг сўм ёки 23,0 фоиз ва 54,1 минг сўм ёки 10,9 фоизни ташкил қилган. Рентабеллик даражаси бўйича фарқ шунга мос равишда 8,1 ва 4,0 фоизга тенг бўлган.

Шундай қилиб, соф зотли букачаларга қараганда чатишма букачаларни гўштга топшириш учун жадал усулда боқиш, нафақат зоотехникавий балки иқтисодий жиҳатдан ҳам сарали бўлган.

Б.Ж.Тошпулатов, Л.Э.Шаптакова, Ш.А.Каримовларнинг (2012) ўтказган тажрибаларининг иқтисодий кўрсаткичларининг натижаларини генотипик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, чатишма ҳайвонларни бўрдоқига жадал усулда боқиш самарали эканлигини кузатамиз. Фикрларимизнинг далили учун 6 -жадвал маълумотларига мурожат қиламиз. Кўриниб турибдики, соф зотли қора-ола (I- гуруҳ) букачаларни 1 бошига кетган жами харажат ўртача 338,3 минг сўмга тенг бўлган, бу эса уларнинг тенгқурлари II- (341,6 минг сўм) ва III (244,7 минг сўм) гуруҳлардаги голштинлаштирилган хар хил генотипли ҳайвонлардан тегишлича 3,3 ва 6,1 минг сўм камдир. Бу фарқ асосан истеъмол қилинган озуқаларга кетган харажат ҳисобидан бўлган.

Ўтказилган тажрибанинг иқтисодий кўрсаткичлари, (ўртача бир бошга)

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар								
	I			II			III		
	I-A	I-B	I-B	II-A	II-B	II-B	III-A	III-B	III-B
Қилинган жами харажатлар, минг сўм	348,2	347,8	319,0	352,1	351,3	321,4	351,7	356,3	325,2
Шу жумладан: озуқа харажати, минг сўм	247,2	246,9	226,5	250,0	249,4	228,2	249,7	251,9	230,9
1 ц тирик вазннинг таннари, минг сўм	313,4	302,2	330,6	303,8	296,5	325,6	298,1	294,2	319,1
1 ц тирик вазннинг харид нархи, минг сўм	391,0	391,0	391,0	391,0	391,0	391,0	391,0	391,0	391,0
Бир бош ҳайвонни сотишдан олинган ялпи даромад, минг сўм	434,0	450,0	377,3	453,2	463,3	385,9	461,4	473,5	398,4
Олинган соф фойда, минг сўм	86,2	103,0	58,3	101,1	112,0	64,5	109,7	117,2	73,2
Самарадорлик даражаси, %	24,8	29,6	18,3	28,7	31,9	20,1	31,2	32,9	22,5

Бунинг исботи сифатида озуқага кетган харажатларни гуруҳларда шунга мос равишда 240,1; 242,5 ; 244,2 минг сўм бўлганлигини келтириш мумкин. Озуқа харажати шубҳасиз, 1 ц тирик вазннинг таннархига бевосита таъсир қилади. Шунинг учун ҳам бу кўрсаткич I гуруҳ ҳайвонларида 315,4 минг сўмни ташкил қилган, ёки бўлмаса ўз тенгқурлари II гуруҳдан 6,8 (2,2%) ва III гуруҳдан 11,6 (3,8%) минг сўмга юқори бўлган. Хўжалик 1 ц тирик вазни 3910 сўмга сотган, шунинг учун ҳам 1 ц тирик вазннинг харид нархи 391,0 минг сўмга тенг бўлган.

Бир бош ҳайвонни сотишдан олинган ялпи даромад гуруҳларда мутаносиб равишда 449,7; 462,3; 387,2 минг сўмга тенг. Бу кўрсаткич бўйича ҳам I-B, II-B, III-B гуруҳдаги ҳайвонлар ўз тенгқурларидан тегишлича 62,4 минг сўм ёки 16,1 фоиз ва 75,1 минг сўм ёки 19,4 фоизга орқада қолган.

Олинган жами даромад ҳажмини ҳар хил бўлиши, бевосита соф фойда миқдорига ҳам таъсир этган. Шунинг учун ҳам соф фойда миқдори I-B, II-B, III-B гуруҳдаги ҳайвонларда (65,3 минг сўм), I -A, II- A, III-A (99,0 минг сўм) ва I-B, II-B, III-B (110,7 минг сўм) гуруҳлардаги тенгқурларига қараганда мос равишда 33,7 минг сўм ёки 51,6 фоиз ва 45,4 минг сўм ёки 69,5 фоиз кам бўлган.

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги гуруҳларда мос равишда 28,2; 31,5; 20,3 фоизни ташкил қилган. Бошқача қилиб айтганда тажриба учун қилинган ҳар бир сўм, тажриба охирида тегишлича 1,28; 1,32; 1,20 сўм бўлиб қайтган.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, олинган соф фойда III гуруҳ буқачаларида 6,18 ва 21 ойликда тегишли равишда 151,6; 556,1 ; 659,0 минг сўм бўлган, бу эса I гуруҳдан 44,6 (41,7%), 149,3 (36,7%) ва 183,0 (38,4%) ҳамда II гуруҳдан эса 21,9 (16,9%), 24,9 (4,7%) ва 46,0 (7,5%) минг сўм кўп демакдир.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари, ҳар иккала босқичида ҳам қора-ола зотига мансуб сигирларни, голштин буқалари билан чаитиштиришдан олинган ҳар хил генотипли чатишма буқачаларни, соф

зотли қора-ола букачаларига қараганда жадал ўсганлигини ва мутаносиб тана тузилишга эга эканлигини кўрсатган. Бу эса ўз навбатида уларнинг сўйим кўрсаткичларини, гўшт маҳсулдорлигини ва гўштининг сифатини янада такомиллаштиришга олиб келган. Якуний сўқимланиш давомида букачаларга омукта ем миқдорини мунтазам равишда ошириб бориш юқори самара беришини кўрсатди. Бу маълумотлар ҳайвонларни гўшт учун боқишда генотипик ва фенотипик омилларни эътиборга олиш қанчалик муҳим амалий, зоотехникавий ва иқтисодий тадбир эканлигидан далолат беради.

IV. ЭКОЛОГИК МУАМОЛАР, ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги даврдаги энг катта ва долзарб муаммоларидан бири бу - экологик муаммо ҳисобланади. Экологик муаммонинг келиб чиқишига эса инсонларнинг ўзлари сабабчидир. Цивилизация ривожлангани сари инсонлар табиат билан ўта қўпол момулада бўлади. Ҳар хил сабаблар билан тирик мовжудотни нисбатини бузишга ҳаракат килади. Хусусан ўсимлик ва ҳайвонлар дунёсига булган эътибор сусайганлиги натижасида, кўпгина турлар ер юзидан йуқолиб кетмокда. Уларни сақлаб қолиш учун қилинган сай-ҳаракатлар қўриқхона ташкил этиш, қизил китоб жорий этиш ва х.к.лар ҳам ижобий натижаларни беравермайди. Ерни купайтириш мақсадида Амударё ва Сирдарёнинг суви Орол денгизига етиб бормаслиги натижасида Қорақолпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларининг ижтимоий ҳаётига қанчадан-қанча муаммолар пайдо бўлмокда. Дастлаб ер шўрлаб иқтисодий унумдорлиги камайиб кетмокда, шурланиш бошқача қилиб айтганда денгизнинг шўри шамол ёрдамида интенсив равишда бошқа ҳудудларни қоплаб бормокда, баликчилик тармоғи катта иқтисодий зиён курди. Балиқ маҳсулотини қайта ишлайдиган завод тулиқ қувват билан ишламай қолди. Бу муаммони ҳал қилиш борасида Марказий Осиё

республикаларининг жамоатчилиги нуфузли халқаро ташкилотлар (Юнеско, Экосан) қатор тадбирлар уюштирмакда. Ер ости қудуқларини қупайтириш ва ариқ, дарёларни сувини иқтисод қилиш мақсадида қуплаб сув буйи ўт-ўлан ва ҳайвонлар қилиб қетди, оқова сувларга саноат ва ижтимоий чиқиндиларнинг ташланиши натижасида сув ифлосланди, бу эса атроф-муҳитнинг ҳавосини бузилишига ва инсонлар орасида ҳар хил касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Чорвачиликда экологик муаммоларга эътибор бериш, экологик талабларга риоя қилиш учун қуйидагиларни бажариш лозим:

1. Чорвачилик фермалари ва иншоотларини қураётганда ҳудудни зооветеринария ҳолатига эътибор бериш. Аҳоли яшайдиган жойларни, қатта саноат қорхоналари, қабристон жойлашганлиги, заҳарли моддалар, қимёвий уғитлар қасланган эски қорхоналарни ҳисобга олиш;

2. Чорва қоллари ва қаррандаларини қоллигига эътибор бериш, қасалликларни қлдини олиш билан қоллик бўлган зооветеринария қора-тадбирларини ўз вақтида ўтқизиш, қасалланган қолларни дарҳол қодадан ажратиб даволаш йулларини қилиш;

3. Чорва қоллари ва қаррандаларини қанвет экспертизадан ўтган қори-қормонлар билан даволаш ва вакциналар билан эмлашни йулга қуйиш;

4. Чорва маҳсулотларини қанвет экспертизасидан ўтгандан кейинга истеъмолга қикаришга эришиш. Қасал қолларни маҳсулотини истеъмолга қикармаслик ўларни ерга қумиб юбориш ёки ёндиришни ташкил қилиш;

5. Чорва қоллари ва қаррандаларига экологик тоза ем-ҳашак бериш, бўнинг ўчун ширали, қук ва дагал ҳашакни иқига заҳарли ўтларни тушмаслигини таъминлаш. Омўхта-емларни эса заводлардан, қехлардан олишдан илғари яхшилаб лаборатория текширувидан ўтқизиш;

6. Чорва қолларини яйловга қикаришдан илғари, яйловни ҳар томонлама текшириш, ёки иморатлар ва қутонларни жойини яхшилаб дезинфекция қилиш;

7.Ташкаридан импорт қилинадиган чорва моллари, паррандалари ва уларни махсулотини босги хоналардан ута ётганда экспертиза қилиш. Касал молларни ўзини ва уларни махсулотини ўтишига йўл қўймаслик, бунинг учун эса катта зооветеринария назоратини ўтказиш:

8. Зооветеринария ходимларини экологик жиҳатдан тоза махсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида доимий равишда режага асосан семинар, ўқишва малака оширишни ташкил этиш;

Чорвачилик фермалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, паррандачилик фабрикаларида яна бир муҳим тадбир ҳаёт фаолияти хавфсизлигига эътибор бериш лозим. Бунинг учун эса:

1.Молхонада, фабрикада, хизмат қилаётган ишчи ходимлар билан доимий равишда ҳаёт фаолияти бўйича йўл-йўриқ ўтказиш. Дастлаб ишга қабул қилинаётган ходимни оғохлантириш махсус китобга имзо қўйдириш лозим:

2.Чорвачилик фермаларида ишлайдиган ҳар бир ходим махсус кийим-кечак билан таъминланган бўлиши керак;

3.Озука тайёрлайдиган цехдаги механизмлар гўнг чиқарадиган механизмлар, электр манбаларининг ишлаб турган вақтида қўл тегизмаслик ва созламаслик керак. Ушбу механизмларни ишлашдан тўхтатиб кейин таъмирлашга ўтиш лозим;

4. Соғин сигирлар билан муомула қилишдан олдин уларни лақабини айтиб бир неча марта чақириш керак, агар унда ҳайвон реакция қилса уни ўнг томонидан ёндошиб, соғиш аппаратини сўрғичларини қийдириш, ёки ўлчамларни олишни бошлаш лозим;

5. Наслли ҳайвонларни ва махсулдорлиги бўйича рекордсимен бўлган ҳайвонларни намоишларга олиб чиқиш учун махсус еталагич (водила) ясатиш керак ва уша ёрдамида олиб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

6. Ҳайвонларни бир жойдан иккинчи жойга кўчирганда, гўштга

топширганда, кургазмаларга олиб борганда автоуловни махсус жихозлаш керак, ҳайвонларни шикастланишига йўл қўймаслик учун, уларни талаб даражасида жойлаштиришга эришиш керак;

7.Ҳар бир ферма қошида ходимлар шикастланганда бирламчи тиббий ёрдамни кўрсатиш учун зарур бўлган дори-дормон аптечка бўлишига эришиш зарур;

8.Ҳар бир фермада ходимлар ечиниб махсус кийимларни киядиган хона бўлиши лозим;

9.Хўжалик ҳисобидан ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизлиги тадбирлари учун молиявий режа тузаётганда моблағ ажратилиши шарт. Ажратилган маблағни бир қисми тадбирлар, учун сарфланса бир қисми шикастланган ходимларни, соғлигини таклашга ва уларни санаторияларга дам олиши учун сарфланади.

Экологик ва ҳаёт ҳамда техника хавфсизлиги масалаларини амалга ошириш учун ҳар бир жорий йилнинг бошидан махсус режа тузилади ва тасдиқланади. Ҳар бир соҳа яъни экологик, ҳаёт фаолияти ва техника хавфсизликлари бўйича алоҳида-алоҳида масъул ходим тайинланади. Барча жавобгарлик ишлари ушбу шахс зиммасига юкланади. Режа тасдиқланган йиғилишда ҳисобот йилида ушбу муаммоларни ечими бўйича қилинган ишлар таҳлил этилади. Ҳар бир бажарилган бандни сифати ва самараси айтиб ўтилади. Бажарилмаган бандларни бажармаслик сабаблари аниқланади, бажариш учун масъул бўлган шахслар огоҳлантирилади. Келгуси режалар аниқлаб олинади.

ХУЛОСАЛАР

Битирув малакавий ишини мақсади голштин зотидан фойдаланишнинг қорамол гўшти ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги, хусусан дурагай ҳайвонлардан олинаётган гўшт маҳсулдорлигини янада кўпайтириш ва уларни сифатини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш бўлганлиги сабабли бу борадаги хорижий, МДХ мамлакатлари ва Ўзбекистонлик олимларнинг кўплаб илмий мақолалари, диссертация авторефератлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий, амалий ва услубий тавсияномаларини шархлаб уларни ўз фикр ва мулохозаларимиз билан уйғунлаштириб қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Олинган натижалар шуни кўрсатдики голштин зоти яхшиловчи сифатида кам маҳсулдор пода типларини сут маҳсулдорлигини ўртача 100 кг га кўпайтирган. Европа иттифоқидаги 19,5 млн бош юқори маҳсулдор сигирларнинг ўртача сут соғими 6100 кг ни, жумладан, Швецияда 7852 кг ни ташкил қилган. Россияда бир неча йиллардан буён голштин билан чатиштириш натижасида янги сут йўналишдаги тип ва зот яратиш борасида кенг миқёсда селекция ишлари олиб борилмоқда. Бунга мисол қилиб, қора-олага голштин зотини қонини сингдириш йўли билан яратилган Ленинград типини олиш мумкин. Ушбу типнинг бир лактацияда сут соғими ўртача 9230 кг га етган. Бу эса қора-олага нисбатан 2541 кг кўп демакдир.

2. Қора - ола зотли қорамолларни маҳсулдорлигини такомиллаштирадиган ва улар учун «яхшиловчи» зот деб голштин зоти қабул қилинган. Голштинлаштирилган янги тип ҳайвонлари ҳар хил юқумли касалликларга анча чидамли, жадал технологик жараёнга мослашувчан, унинг генеологик таркиби голштин зотини яхши линия ва оилаларини генеологик таркибидан қолишмайди. Уларнинг ҳозирги кунда бир қанча линия ва оилалари яратилган бўлиб, айрим оилаларнинг сут соғими бўйича потенциали 10 000 кгдан ошиб кетган.

3. А.Кахаров, М.Нарбаеваларнинг тадқиқотларидаги ҳар иккала сўйим ёшида биринчи бўғин чатишма буқачаларнинг сўйим кўрсаткичлари ва гўшт маҳсулдорлиги юқори бўлган. Хусусан, 18 ойлигида улар сўйишдан олдинги тирик вазн, гўшт нимталарининг оғирлиги ва сўйим оғирлиги бўйича, ўз тенгқурлари соф зотли қора-ола ва голштин буқачаларни муносиб равишда: 28,8 кг, 16,6 кг, 19,0 кг, ва 11,0 кг, 5,1 кг, 6,0 кг ортада қолдиришган. Бу фарқ 21 ойликда тегишлича 34,2 кг, 21,1 кг, 23,1 кг ва 16,1 кг, 7,9 кг, 8,6 кг ни ташкил қилган. Бу эса уларнинг организмидаги гетерозиготлик даражаси, гўшт маҳсулдорлигига ижобий таъсир қилганлигини ифодалайди.

Гўшт нимталарининг морфологик таркиби бўйича ҳам ишонарли даражада гуруҳлараро фарқ аниқланди. Жумладан, лаҳм гўшт миқдори биринчи бўғин чатишма буқачаларда ўз тенгқурлари соф зотли қора-ола ва голштин хайвонларига қараганда ҳар иккала назорат сўйимида ҳам тегишлича: 7,3 кг, 4,5 кг, 9,1 кг, 3,6 кг ортада бўлган. Гўштни истеъмол қилинадиган қисми ҳам, биринчи бўғин чатишма буқачаларида катта бўлган.

4. Б.Тошпулатовнинг тадқиқотларида чатишма буқачалардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини кўрсатди. III гуруҳ хайвонларининг бир бошидан олинган соф фойда 6, 18 ва 21 ойликда, ўз тенгқурлари I ва II гуруҳлардаги буқачалардан тегишлича: 44,6; 149,3; 183,0 ва 21,9; 24,9; 46,0 минг сўм ортада бўлган. Шунга мос равишда самардорлик даражаси ҳам юқори бўлган.

5. Тадқиқотлар ҳар хил генотипли буқачаларни якуний сўқимлаш даврида омукта ёмни мунтазам равишда кўпайтириб борилган варианты (I-Б, II-Б, III-Б) иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигидан далолат берди. Айнан шу гуруҳ хайвонларида боқидан олинган соф фойда, ўз тенгқурлари I -А, II- А, III-А дан ўртача 11,7 минг сўм ёки 11,8 % ва I -В, II В, III-В дан эса 45,4 минг сўм ёки 69,5% кўп бўлган.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА АМАЛИЙ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

1. Сут йўналишидаги қорамол зотларини гўшт маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалини тўлиқ юзага чиқариш ва қорамол гўшти етиштиришни кўпайтириш мақсадида, соф зотли ва голштинлаштирилган қора-ола буқачаларни жадал усулда озиқлантириш ва боқиш тавсия этилади.

2. Гўшт ишлаб чиқаришни яда кўпайтириш мақсадида қора-ола зотли сигирларини генофондини янада такомиллаштириш, зот учун “яхшиловчи” бўлган дунё генофондига хос голштин зотидан самарали фойдаланиш таклиф қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Наслчилик тўғрисида” ги Давлат қонуни. Тошкент 1995., 21 декабр.
2. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ЎзР Президентининг ПК 308 - қарори, 2006.23 март.
4. «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора - тадбирлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-842 - сонли қарори. Тошкент. -2008 йил 21 апрел.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч. Тошкент. “Ўзбекистон”. 2008.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқрози. Ўзбекистон шароитида, уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. «Ўзбекистон». 2009 йил.
7. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазрлар Маҳкамасининг мажлисидаги марузаси. Тошкент. 2011. 21 январ. “Туркистон” газетасини 2011 йил 22 январ 7 сони (15437).
8. Абдалниёзов Б.А. Худаёров Р.Ш. Голштин қизил –ола билан қизил чўл зотлари дурагайлариининг маҳсулдорлиги.//Зооветеринария. №3. 2013. 32.
9. Авазов Д.С., Кахаров А.К. Мясная продуктивность некоторых молочных пород крупного рогатого скота и их помесей .Науч.тр. Московской Мед. Академии им. И.М.Сеченова. Москва. 2005. с.163-165.

10. Адушинов Д.С., Устимов Е.М. Мясная продуктивность черно - пестро-голландского молодняка. Ж. «Зоотехния», 2002. № 4 с. 21-22.
11. Амантурдиев Г.Г. Совершенствования технологий выращивания бычков. И.С.С. эффективность в условиях промкомплекса. Автореф. дисс. канд. с-х. наук. Ташкент, 1996. 22 с.
12. Адушинов Д.С. Эффективность голштинизации черно- пестрого скота в восточной Сибири. Ж. «Зоотехния», 2006. № 2. С. 17-19.
13. Акмалхонов Ш.А. Биологические и зоотехнические основы ведения молочного скотоводство в Узбекистане. -Ташкент. Мехнат.- 1993.- 271 с.
14. Акмалхонов Ш.А. Мероприятия по раздую коров в фермерных и индивидуальных хозяйствах. Ж. . «Зоотехния», 2010. № 4. С. 27-30.
15. Бўриев С. Совершенствование селекционных признаков потомств импортного черно-пестрого скота с использованием бычков голштинской породы.: Автореф. дисс.... канд. с.-х. наук. -Ташкент. – 1993. -27 с.
16. Гетоков И.Ф. и др. Хозяйственно - полезные признаки черно- пёстрого скота. Ж. «Молочное и мясное скотоводство». -2004. №1. с. 5-7.
17. Ибрагимов Ю. Замон билан ҳамнафаслик давр талаби. “Зооветеринария” журнали. 2010. №7. 12-14 б
18. Иванов В.М. Использование голштинской породы в скрещивании с красным степным и черно-пестрым скотом.-WWW/ agrokalchi. 2005.
19. Каракулов А.Б. Сравнительная оценка роста, развития и мясной продуктивности животных черно-пестрой породы и её голштинизированных помесей при выращивании их до высокой живой массы.- В кн.: Ресурсное обеспечение производства говядины в Таджикистане.- Душанбе. «Ирфон», 1996. с. 215-250.
20. Кахаров А.К., Авазов Д. Қорамол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтиришга зотлараро чатиштиришнинг ўрни : Сам ҚХИ «Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари селекцияси ва маҳсулдорлигини янада яхшилаш муаммолари» илмий тўплами.- Самарқанд. 2004.- 87-89 б.

21. Кахаров А.К., Авазов Д. Ҳар хил генотипли буқачалар. «Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги» журналі – 2005.-№5. 22 б.
22. Кахаров А, Тошпулатов Б.Ж., Шаптакова Л.Э., Каримов Ш.А. Хар хил зотдорлик ва ёшдаги буқачалар гўштининг навли бўлаклари. “Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий қилиш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция матераллари. Самарқанд -2012 й.157-159 б.
23. Кахаров А, Нарбаева М., Қурбонова Ш., Махмадиёров О Қорамолчиликда голштинлаштиришнинг зоотехникавий ва иқтисодий самарадорлиги. // Зооветеринария. 2013. №9. 26-27 б.
24. Куччиев У.М. Влияние сезонов отела на молочную продуктивность ва воспроизводительные свойства черно-пестрых и голштинизированных коров. Автореферат дисс. канд. с.-х. наук. Тошкент, 2006. 22 с.
25. Нарбаева М.К., Кахаров А.К. Голштинлаштирилган буқачаларнинг гўшт махсулдорлиги. // Зооветеринария. 2011. № 8.32-33 б.
26. Носиров У.Н. Қорамолчилик. Тошкент. 2001. 383 б.
27. Носиров У. Мамлакатимизда қорамолчиликни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари . «Зооветеринария» журналі. 2008.№ 2. 34 б.
28. Носиров У.Н., Носиров Ғ.У., Носиров Т.У. Чорвачиликда классик ва замонавий селекция усуллари. Тошкент. 2008. 472 б.
29. Носиров У. Қорамолларнинг гўшт махсулдорлик генетик протенциалидан фойдаланиш самараси. «Зооветеринария» журналі. 2009.№4. 29-31 б.
30. Рогальский Г.Л. Мясная продуктивность черно-пестрых и голштин-черно-пестрых бычков разной кровности при беспривязном и привязном содержании. Автореф. дисс. канд. с.-х. наук. Новосибирск. 1999. 18 с.
31. Саматов А. Интенсивное выращивание бычков черно-пестрой породы и их голштинизированных помесей на мясо. Науч.Тр. «Вопросы селекции и технологии животноводства Таджикистана». Душанбе. «Маориф», 1999. с. 43-45.

32. Саматов А. Сравнительная оценка мясной продуктивности бычков черно-пестрой породы и их $\frac{1}{2}$ и $\frac{5}{8}$ голштинизированных помесей. Автореф. дисс. канд. с.-х. наук. Душанбе. 2004. 22 с.
33. Сарапкин В., Бахтеев Ю. Мясная продуктивность Среднеповолжского черно-пестрого скота Ж. «Молочное и мясное скотоводство». -2006. №1. с. 30-32.
34. Собиров П.С. Особенности роста, развития и формирования мясной продуктивности у некоторых пород скота при промышленном скрещивании в условиях жаркого климата: Автореф. дисс. ... докт. с.-х. наук. –М. 1990. 50 с.
35. Собиров П.С. Голштино-фриз зотини қора-ола зотини яхшилашдаги ўрни: Сам ҚХИ илмий тўплами.- Самарқанд, 1995. 65-66 б.
36. Тошпулатов Б., Шаптаков Э.С., Кахаров А.К. Турли зотдорликдаги букачаларнинг ўсиш кўрсаткичлари. //Зооветеринария. Тошкент, 2009. – №5. 41-42 б.
37. Тошпулатов Б. Турли зотдорлик ва ёшдаги букачалар гўштининг морфологик таркиби. // Зооветеринария. -Тошкент, 2010 - № 10. 25- 26.
38. Файзуллаев Ю.С. Мясная продуктивность полновозрастных черно-пестрых коров: Сб. Пути увеличения производства и резервы повышения качества с.-х. продукции.- Оренбург, 1993. с. 78-79.
39. Храпковский А.И.Эффективность использования молодняка различных пород для производства говядины в условиях промышленной технологии. Автореф. дисс.... докт. с.-х. наук. Москва. Дубровицы. 1985. 49 с.
40. Хушвақтов А.А. Ҳар хил генотипли қора-ола зотли букачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва биологик хусусиятлари. Қ.-х. ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. ... Автореферати. Тошкент. 2007. 21 б.
41. Шарипов О. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий омиллари “Зооветеринария” журнали 2010. № 7. 5-7 б.

42. Худаёров Р. Голштинлаштирилган қизил чшл моли туёқ шохининг бақувватлиги. //Зооветеринария. 2013. №2. 30 б.

Интернет сайтлари.

43. www.Ziyonet.uz
44. www.zootexniya.ru
45. www.hifeyed.ru
46. <<http://www.selteh.com>> <http://www.selteh.com>
47. http://www.treeland.ru/article/kopoba/tado/udoi_moloka.htm
48. www.Googole.ru.

И Л О В А Л А Р